


Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#28 04.05.2012

ЎХХ РАҲБАРЛАРИГА ТАҲДИД



Ислом Каримов диктатураси нафақат ўзбек халқига ўтказётган зулми, балки сиёсий қотилликлар билан ҳам танилгандир. Ўзбекистон диктаторининг бу жирканч усули 1990 йил “Ислом Уйғониш партияси” лидери Абдулла Ўтаев ва 1995 йилда

андижонлик машҳур имом Абдували Қорининг ўғирлаб кетилиши билан бошланган.

Бундан аввалроқ Каримовнинг ўзи Олий Мажлис сессиясида нутқ сўзлаб, унга итоат қилмайдиганларнинг “калласини олишни” ваъда қилганди. Шундан кейин сиёсий ва диний сабаблар билан қамалганларни йўқ қилиш ёки уларнинг ҳаётларини маҳв қилиш (камоқда чиритиш) жараёни бошланиб кетди.

Бугунги кунга келиб, режимга муҳолифлиги туфайли Ўзбекистон камоқхоналаридан ўлдирилган ва жасадлари чиққан ва чиқаётган кишиларнинг сонини ҳеч ким билмайди. Одатда, бу шаклда (Элбек Омонов, Шовруқ Рўзимуродов, Эмин Усмон, Зайниддин Аскарлов каби) ўлдирилганларнинг яқинларига мархумнинг қалб хуружи (инфаркт) ва шунга ўхшаш касалликлар туфайли вафот этгани айтилади. Режим ўзининг бу қурбонлари жасадларининг мустақил тиббий экспертлар тарафидан текширилиб кўрилишига асло изн бермайди. Баъзи ҳолларда эса, бундай тиббий экспертларнинг хулосасига ҳам ўрин қолмайди.

Чунки мархумларнинг жасадлари уларнинг ўлим олдидан ваҳшийларча қийноқларга тугилганини кўрсатиб туради.

Ўзбекистон диктатурасининг машҳур қотилликларига Қирғизистонлик ўзбеклардан

Алишер Соипов, ЎХХ Русия тамсилчиси Фуад Шокирийларни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бундан икки ой олдин Швецияда суиқасдга учраган ва ҳозирда оғир аҳволда (комада) қолаётган машҳур имом Обидхон қори Назаровнинг қотиллари Ўзбекистон режимининг жосуслари, деган шубҳа ўз кучини йўқотмаган. Диктатор Каримовнинг асосий мухолифи бўлган Муҳаммад Солихга ҳам бу режим турли тазйик ва ҳатто суиқасд режаларини амалга оширишга уриниб келаётгани бир ҳақиқатдир. 1999 йилдаги Тошкент портлашларини Муҳаммад Солих зиммасига юклашга уринилди. Аммо бу фитна кейинчалик қа-моқда ўлдирилган Зайниддин Аскарлов тарафидан фош қилинди ва уни Каримовнинг жаллодлари ташкил қилгани ҳаммага маълум бўлди. Диктатура ўз жинояти учун бир неча гуноҳсиз кишини қурбон қилар экан, “бош террорчи”, дея ҳукм чиқарган Муҳаммад Солихга зимдан 15 ярим йил қамок жазоси ҳукми билан кифояланди. Яна шу мақсадда, 2001 йилда чечен асилли қотилларга Муҳаммад Солихни ўлдириш учун вазифа берилгани, аммо Аллохнинг ёрдам билан бу суиқасд амалга ошмай қолгани ҳам маълумдир. 2011 йилда Миллий Хавфсизлик Хизмати Ходимлари Хуршида исмли аёлни бир ой давомида Ангрен яқинларида “қайта ишлаб”, уни ЎХХ сафларига киритиш ва у орқали унинг қариндошлари никобидеги қотилларни Ҳаракатга киритиб, Муҳаммад Солихни ўлдириш режасини тузди. Аммо золимларнинг бу кингирликлари ҳам ўз бошларига йиқилиб, шарманда бўлдилар.

Ҳозирда интернет саҳифаларида сохта исмлар билан эълон қилинаётган ва Муҳаммад Солих ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг раҳбарларига қарши таҳдид тўла мақолалар Каримов жаллодларининг ўз жиноятларини амалга оширишга қатъий қарор берганликларини кўрсатади.

(Давоми кейинги бетда)

НЕГА МЕН ЖУРНАЛИСТ АЁЛ БИЛАН МУНОЗАРА ҚИЛМАДИМ
“Узноснет” сайти икки ҳафта олдин каминанинг шахсига қарши қутилмаганда “портлади” ва бу портлаш жараёни – худди кинофильмда секинлаштирилган саҳна каби – ҳали ҳам давом этмоқда ва атрофга ЎХХ га қарши янги айблов-пўртаналарини сочмоқда.
(Давоми 2-бетда)

ДИНДАН МОСУВО ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАНАЗЗУЛГА УЧРАЙДИ

ЎХХ сайти таҳририяти баъзи ватандошларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида сиз ЎХХ Норвегия бўлими раиси шоир ва журналист Мақсуд Бекжоннинг жавоблари билан танишасиз.

(Давоми 4-бетда)

В.ОХУНОВ: СОЛИХДАН ТАШҚАРИ БАРЧА МУХОЛИФАТДАГИЛАР АҲМОҚЛАР КЕМАСИДИР

Мусаввир Вячеслав Охунов, Ўзбекистондаги такводор инсонларга таяниб Солих тўғри қилади, ўзбек муҳолифатидаги қолганларнинг бари – аҳмоқлар ва кичкина одамлардир, дея хисоблайди.

(Давоми 5-бетда)

ҚОНУНЛАРДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАР ҲАҚИДА

Амалда эса ваъда қилинган мақсадларга мутлақо зид яъни, халқ манфаатларига мутлақо зид ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришларни оддий халқ тушунмаса ҳам юристлар жуда яхши тушунади. Бу ўзгартиришлар халқ манфаатларини эмас, балки прокурор, терговчи, судьялар ва умуман юристларнинг манфаатларини кўзлаб киритилганлиги учун улар индамай жим юришибди.

(Давоми 6-бетда)

ШАЛЛАҚИГА ОЧИҚ ХАТ

Эскиларда бир гап бор: “қилма, топасан” дейдилар. Сиз Солих акадан ҳеч ким олманган кўмакларни олгансиз, шундай бўлсада, йигирма йилки, бу одамни ҳақоратлаб келаяпсиз. Яхшиликга ёмонлик!

(Давоми 7-бетда)

ЎХХ РАХБАРЛАРИГА ТАХДИД

(Давоми: боши олдинги бетда)

Масалан, аввал “Бирдамлик” сайтида босилган, кейин “Замондош” сайти мамнуният билан кўчириб қайта тарқатган “Мухаммад Салих, ради Бога, бўдье здоровы!” номли мақола – ЎХХ рахбари ҳаётига бевосита таҳдиддир. Бу мақолада, очиқчасига “Эй, Мухаммад Солих, сен чет эллик хўжайинларингга хизмат қилаяпсан, аммо улар Ўзбекистон ҳукумати билан яқинлашиш учун сендан воз кечишлари (сени ўлдиришлари) мумкин”, дейлади.

birdamlik.info zamondosh.blogspot.com МХХ нинг бу таҳдиди ўзини режимга муҳолиф санаган кишиларнинг сайтида босилган. Матн, маъно кам-чиликсиз, ният ниҳоятда ошқор: «Биз сени ўлдирамиз, аммо одамлар буни сенинг хориждаги “рахбарларинг”нинг иши, деб билади».

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг лидери Мухаммад Солих ва Ҳаракатнинг бошқа рахбарларига бўлаётган таҳдидларда сохта «муҳолифатчилар» ўз ҳиссасини кўшишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, ўзини «Бирлик» лидери деб атайдиган Абдурахим Пўлат унга тегишли «Ҳаракат» сайтида “халқ хоинлари”га ўлим жазоси берилиши кераклигини узлуксиз таъкидлаб келади. Албатта, Пўлатовга кўра ягона халқ хоини Мухаммад Солихдир. «Муҳолифатчи» Жаҳонгир Маматов ва Р.Обид бошқарадиган «Замондош» сайти ҳам Мухаммад Солих ва ЎХХ бошқа рахбарларига дор ипи тўқишда астойдил ҳаракат қилмоқда.

Худди шундай жосусларнинг «мукамал» ижодини аввал «yangidunuo.org» Янги дунё» сайтида Абдулла Мирхожиев номи босилиб, сўнгра Замондошда «Что делает Абутов в Европе?» мақоласида ҳам кўришимиз мумкин. Бу «ижодда» ҳам “Швеция радикалларининг мусулмонларни ёмон кўришлари” далиллари билан исботланган.

Бу билан гўё ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси “М. Абутовнинг таъзирини швед радикаллари беради”, дейилмоқчи. Яъни ишни ўзбек жосуслари қилади, кейин швед радикаллари тухмагга қолади. Раҳматли Алишер Соипов ўлдирилишидан олдин худди шундай ташвиқ Наманган ТВсидан бир ой давомида эшиттирилиб турилди. Наманган ТВ Алишернинг ўлим хабарчиси бўлди. Бугун қотилларнинг суикасд таҳдидларини ташвиқ этаётган карнайлар harakat.net/ birdamlik.info/ > zamondosh.com < лардир.

Аммо улар бу қилмишлари учун ўзбек халқи олдида жавоб берадиган кун яқиндир.

Намоз Нормўмин

ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси ва мувофиқлаштирувчиси

НЕГА МЕН ЖУРНАЛИСТ АЁЛ БИЛАН МУНОЗАРА ҚИЛМАДИМ



Бу мавзуга такрор мурожаат этишимга “Узноснет” номли интернет-нашрда Г.Бухарбаеванинг “ЎХХ демократияга таҳдид”, деб номланган, ҳеч қандай асосга таянмаган, фитнакор иддаоли сабаб бўлди.

“Узноснет” сайти икки ҳафта олдин каминанинг шахсига қарши кутилмаганда “портлади” ва бу портлаш жараёни – худди кинофильмда секинлаштирилган саҳна каби – ҳали ҳам давом этмоқда ва атрофга УХХ га қарши янги айблов-пуртаналарини сочмоқда.

Бу сайтнинг Ҳаракатимиз ҳақдаги сўнги сарлавҳаси даҳшатли ифодалади: “УХХ – Ўзбекистондаги демократия учун таҳликадир” Хоним Бухарбаева ҳирсининг дафъатан портлашига сабаб нима? Сабаб – менинг у билан мунозарани рад этганим.

Бу хоним билан баҳсни рад қилганимга оид унинг сайтида чиққан мақолаларда (улар анчагина!) битта масала кўрилади: Солих бундай рад журъатини қаердан олди?

Бухарбаева сайтнинг баҳс майдонидаги “жамоатчилик” ҳам бу раддиядан қаттиқ “аччиқланибди”. “Рад” мавзусидаги “оммавий муҳокамада” “ёзувчи Мамарасулов”, эски ТИВ ходими “сиёсатшунос Тошпулатов” ва “деҳқонлар вакили журналист Носир Зокиров”лар қатнашишган. Уларнинг барчаси менинг Бухарбаева билан баҳс мунозарани “шармандали ва безбетларча” рад қилишимни муҳокама қилганлар.

Мен бундай “буюк ишни” қандай бажарганимни ҳозир ўзим ҳам идрок қила олмаяпман. Шу боисми, ўзимни социалистик реализм ижодкорлари ўртага чиқарган бир салбий қаҳрамон – бир ёвузқуч каби ҳис этмоқдаман. Вазиятнинг бемаънилиги шундан иборат-ки, менинг маънавий қатлимини истаётган бу маст оломон ичида “нима қипти, бу одам баҳсни рад этган бўлса? Бунга унинг ҳаққи йўқми”, деб сўрайдиган бирор нормал инсон кўринмаяпти.

Бухарбаевага кўра, менинг бундай радга ҳаққим йўқ.

Шунинг учун ҳам у “ЎХХ – Ўзбекистондаги демократияга таҳлика”, деган қарорга келган. Ана шунақа, Бухарбаева хоним билан мунозарани рад қилиш мана шундай глобал можорага олиб келиши мумкин экан. Бухарбаева жазава билан шундай дейди: “Каримовнинг М. Солих ва унинг оиласига қилаётган зулми, шунингдек жамиятда янги сиёсатчиларнинг ўртага чиқиши учун муҳитнинг йўқлиги Солихга жуда қулай равишда сиёсат майдонида қолиш имконини берди”. Бу ерда Бухарбаева “Солих ва оиласига етарлича зулм қилмагани” учун Каримовдан хафами ёки “сиёсат майдонида қолишга унга имкон берилгани учун” Солихга зарда қилаяптими, англаш қийин. Мен Бухарбаева билан бир нарсада фикрдошман: Сиёсатда қўл теккизиш таъқиқланган “муқаддас сигирлар” бўлмаслиги керак. Фақат бунга кичик иловам бор: бундай сигирлар журналистикада ҳам бўлмаслиги керак. Афсуски, Бухарбаева хоним ўзини мана шундай муқаддас сигир ўрнида кўрмоқда. Унга қарши чиқиш, нафақат қўл, ҳатто тил теккизиш ҳам бир жинойят экан. ЎХХ “Узноснет”даги фитнакарона мақолаларга қарши бир кичик баёнот берди. Бунга жавобан сайтда – яна ўша фитна руҳида – “мустақил сиёсатчилар” ва мақоми бетайин, аммо сайт тарафидан “жамоатчилик”, дея тақдим этилаётган “интернет бомж”лари дастагида ёзилган унтача мақола ёзилди. Бу такаббурликка қаранг! Сайтда бутун ҳаракатлар мана шу Кибрга мос равишда юз беради. Ҳатто шарҳлар ҳам шу такаббурликни оқласагина сайтга қўйилади. Бу зехният эгаларидан “Эльдар” лақабли қатнашчиси форумда шундай шарҳ қолдирибди: “Ҳурматли Галима, сизнинг бу халқ учун миянидир қилиш ниятида куйиб-пишаётгангизни кузатиш мен учун жуда оғир. (Бухарбаеванинг бунда буюк тарихий вазифа олганини билмас эканман – М.С). Ишонинг, бу беҳуда уринишдир... Чунки бу халқ – касалдир! Бу касалликнинг ягона шифоси – мустаҳкам, қуш ҳам ўтолмайдиган чегарадир. Бундай чегара одамлар ичкарига кирмасликлари учун эмас, балки ўша касалликнинг ташқарига чиқмаслиги учун, дунёга ёйилишига қарши қурилиши керак”, дейди бу “Узноснет” суворийси. Касаллик деб халқни назарда тутмоқда. Яъни, ўзбек халқини.

(Давоми кейинги бетда)

НЕГА МЕН ЖУРНАЛИСТ АЁЛ БИЛАН БАҲС-МУНОЗАРА ҚИЛМАДИМ

(Давоми: боши олдинги бетда)
 Бу “Узюснет” мухлисидан келган жуда “конструктив”, очикчасига ирқчи, фашистик таклиф. Ўзбекнинг бир мақоли бор: “Яхшиям, туяга шох берилмаган”. Бухарбаева оддий камтарликни ҳам унутган ҳолда шундай дейди: “Мен бугун сиёсий лидерларнинг онгида янги бўшлиқ яратишим керак”. Хонимча, марҳамат қилинг-да, бу иш билан инсонларимизнинг ўзлари шуғулланишсин! Акс ҳолда, сизнинг бу ишингизнинг Учинчи Рейхнинг қамоқхонларида махбуслар устидан утказган дахшатли тажрибаларидан фарқи қолмайди.
 Бу сайтда шахсимга қарши ёзилган бутун танқидий фикрларни диққат билан ўқиб чиқдим ва у ерда ҳурматга лойиқ бирон фикр кўрмадим. Агар сизларнинг ҳар бирингизнинг фикрингизни алоҳида ҳурмат қилаолмасам, қандай қилиб сизларни жамоат ҳолида ҳурмат қилишим мумкин? Агар мана шу сарғайган “Узюснет” да босилган сафсаталар “жамоатчилик фикри” бўлса, жамоатнинг ўзи қандай бўлиши мумкин?
 Нега мен бу аёл билан мунозара қилишни рад этдим? Ахир, бу жанжалдан уч кун олдин бу хоним билан телефонда суҳбатлашдик-ку, нега уни кейин рад қилдим?
 Чунки бу хотин тухматчидир. У тухмат қилгандан кейин узр сўради. Кейин яна тухмат қилди. Бу усул қайта-қайта такрорланди.
 Иккнчидан: бу хотин фактларни нотўғри талқин қилади. Масалан, у менга савол берди: “Е. Урлаева Туркияда Ислом динини қабул қилдимми?” Мен: “Ҳа, деганман. Г.Б. сайтида ўз саволини менинг “жавобим”га айлантирди ва шундай сарлавҳа қўйди: “Муҳаммад Солиҳ: “Елена исломни қабул қилди”.
 Бу менинг бир ҳуқуқ ҳимоячиси исломни қабул қилганидан севишиб, матбуот анжумани чақирганим маъносига келади. Гўё биттасини исломга киритиш – менинг ягона орзиум. Хулоса – Муҳаммад Солиҳ исломчи. (“Узюснет” нинг қўлбола “сиёсатшуноси” ҳам бизни айнан шундай атайди - “исломчилар”).
 Бошқа бир мисол: ЎХХ фаолларидан бири “Узюснет”га “Аллоҳнинг изни билан ёш йигитлар варақа тарқатганлигини” айтади. Бу ўзбекларнинг кундалик тилидаги оддий иборадир. Аммо Бухарбаева бу иборани “Узюснет” сайтига сарлавҳага айлантириб қўяди: “Тошкентда Оллоҳнинг марҳамати билан варақалар тарқатилди”. Яна Ислом дини! Бу сайтнинг ўзбек муҳолифати ҳақидаги бутун материаллари “сўз эркинлиги” пардаси ортидаги ислом дини ва ўзбекларнинг урф ва одатларига душманликдан бошқа нарса эмас.

Бизнинг “Узюснет” каби сайтлардан юз ўгиришимизга сабаб бўлаётган яна бир хусусият уларнинг ёлғон маълумотларни чоп қилишдан воз кечишни истамасликларидир.
 Мисол учун: Г.Бухарбаеванинг “Наманганда Солиҳнинг баҳс-мунозарани рад қилиши муҳокама қилинмоқда” мақоласида шундай дейилади: “Журналист Носир Зокир Муҳаммад Солиҳнинг баҳс – мунозарани рад қилганидан афсусланганини ёзди. ЭРК партияси ва ЎХХ лидерининг “Узюснет” муҳаррири Галима Бухарбаева билан баҳс – мунозарани рад қилиши ўзбек фаоллари орасида катта шов – шувларга сабаб бўлди”. Аслида эса, Носир Зокир М. Солиҳнинг Баҳоидир Чориев билан баҳсни рад қилиши ҳақида гапирган ва бу воқеа Г.Бухарбаева билан бўлган ҳодисадан бир неча ой олдин содир бўлганди.
 Худди шундай ҳолни Мўътабар Тожибоева ҳодисасида ҳам кўришимиз мумкин: Бу аёл менинг хонимимга телефон қилиб, узр сўраган ва Г.Бухарбаева унинг биз ҳақдаги мулоқоти маъносини ўзгартириб чоп қилганини айтган. “Узюснет” бу геббелсона ташвиқотини мусулмонларга қарши анча вақтдан бери амалга ошириб келмоқда.
 Бу сайт ўтган йили узлуксиз равишда мусулмонларнинг ғарбда ҳам “мусулмончилигини ташламаёганлари”ни “фош” қилиб келди. Обидхон қори Назаровнинг “Швециядаги яширин лагери” ҳақидаги ривоятларни эслаб кўринг. Галима хоним яна шундай ёзади: “Мен Солиҳ билан охири марта 2009 йили октябрида Брюсселда муҳолифлар мажлисида учрашганимда – ўшанда 13 май иттифоқи таъсис қилинган эди - Солиҳ менинг Обид қорига бағишланган мақолам ҳақида фикр юритиб, имом “бир аёлнинг ёзганлари учун хафа бўлмаслиги керак”, деган (Хотин зотини камситганди, демоқчи – М.С). Ўша кунни 44 яшар ҳамкасбим Қудрат Бобожоннинг мен билан пиво ичаётганини кўриб, М. Солиҳ унга танбех берганди”. (Каминанинг ичкиликка қарши булганимни айтмоқчи - М.С)
 Бухарбаева менинг бу гуноҳларимни гўё “Ўзбекистон демократиясига таҳлика”нинг асоси сифатида келтиради. “Гўё” дейишимга сабаб, Бухарбаеванинг мазкур мақоласида бундай “таҳлика”ни асослайдиган бошқа бирорта факт топа оламдим. Афсуски, улкамизда диктатор Каримов тарафидан ўрнатилган ахборот изоляцияси бизнинг

жамиятимизни лоқайд, иродасиз ва “Узюснет” каби ярим-эркин, аммо тамоман масъулиятсиз интернет нашрлари таъсири остига осонгина тушадиган иқлим яратди.
 Агар жамиятда ҳақиқий маънода сўз эркинлиги бўлсайди, Ислом динини таҳлика сифатида кўрсатиб, аюҳаннос соладиган бундай “демократия қоровуллари”ни ҳеч ким тингламасди.
 Хулоса сифатида, ушбу можора сабаби билан у ёки бу шаклда берилган баъзи саволларга жавоб бермоқчиман:

1. Биз мамлакатда ҳуқуқ давлатини куришни орзу этмақдамиз. Ҳар қандай ҳолда ҳам, давлат тузуми халқимизнинг умумхалқ референдумида тасдиқлаган шаклида бўлади.
2. Мен сайловчилар яхши ёки ёмон кўради, дея ўзимнинг фикрларимни очик айтишдан кўрқмайман. Масалан, сайловчилардан кўпроқ овоз олиш учун гомосексулистлар (бесоқоллар) нинг ўзаро никоҳини қўллаб-қувватлаш ниятим йўқ. Мен бу ва шунга ўхшаш тоифаларнинг, уларнинг хасталиклари бошқаларга юқмаслиги учун, инсоний шароитларда жамиятнинг қолган қисмидан ажратилиши (изоляцияси) тарафдориман.
3. Катталарнинг кичикларга шафқат, кичикларнинг эса катталарга ҳурмат руҳидаги миллий урф – одатларимизни сақлаб қолиш тарафдориман. Инсонларда оиласи каби, мамлакати учун ҳам масъулият ҳиссини тарбиялаш тарафдориман.
4. Мактабларда болаларга нафақат давлатнинг, балки динимизнинг ҳам тарихини ўргатиш тарафдориман.
5. Мутлақ сўз эркинлиги тарафдори эмасман, чунки бундай мутлақ эркинлик инсонни ўз нафсининг қулига айлантиради.
6. Аёллар эркаклар каби ўз ҳаёт тарзларини сайлашда эркин бўлишлари керак, аммо улар яна эркаклар каби ўзаро муносабатларда ҳадларидан ошмасликлари лозим. Менимча, аёлларнинг бу дунё ҳаётидаги асосий вазифаси – болаларни тарбия қилишдан иборат ва бу вазифа давлат хизмати даражасида тақдирланиши керак. Аёлларни кўчма маънода эмас, тўғри маънода заиф жинсийат соҳибалари деб биламан, чунки Парвардигор уларни шундай яратгандир. Агар шу хусусияти бўлмаганида, улар сунъий, жазб хусусиятини йўқотган ва ҳатто жирканч бўлардилар.
7. Аёлнинг заифлиги – ҳақиқий эркакларнигина титратадиган буюк бир кучдир.

Муҳаммад СОЛИҲ

ДИНДАН МОСУВО ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАНАЗЗУЛГА УЧРАЙДИ



ЎХХ сайти тахририяти баъзи ватандошларга қуйидаги саволлар билан муносабат қилди. Қуйида сиз ЎХХ Норвегия бўлими раиси шоир ва журналист Мақсуд Бежжоннинг жавоблари билан танишасиз.

Савол:

Дунё бўйлаб, яъни нафақат араб мамлакатлари балки мусулмонлар аҳолисини камчилигини ташкил этадиган мамлакатларда ҳам тобора ривожланиб бораётган исломий сиёсий фаоллик сабаблари сизнингча нимадан иборат?

Жавоб:

Бу фаолаштириш энг аввало ислом дунёсига, мусулмонларга қарши бошқа дин мансублари тарафидан бутун дунё бўйлаб босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсати олиб борилаётганига, ислом динини маҳв этишга қаратилган ёппа ҳаракатга қарши бир жавобдир. Қачонлардир дунё сиёсатини юргизган мусулмонлар бугун учинчи нав тоифага айланди, ислом ақидалари ва урф-одатлари куфр аҳлининг масхара қилиш объектига айланди ва бундан кўриб турган мусулмонлар ортиқ жим қолишлари мумкин эмасди. Бир пайтлар маданият ва илм соҳасида овруполиклар мусулмонларга тенглаштиришга ҳаракат қилган бўлса, бугун мусулмонлар ўз кадриятларини ҳимоя қилиш учун Оврупонинг технологик ютуқларини ўзлаштиришга, Оврупонинг сиёсий кураш методларини ўз мақсадлари учун ишлатишга уринмоқдалар.

Савол:

Аслида бу Исломнинг сиёсатга аралашуви табиий жараёнми ёки баъзилар таъкидлаётгани каби аксинча бўлиши дин яъни, Ислом дини бошқа динлар каби сиёсатга аралашмаслиги керакми?!

Жавоб:

Дин, шу жумладан, Ислом Дини ҳам ўз ҳолича, инсонларнинг уни ҳаётга

тадбиқ этиб-эзмаганига қарамай яшай оладиган ва бунинг устига сиёсатга ёки бошқа нарсаларга аралаша оладиган ҳилқат эмасдир. Динни инсонлар тамсил этади ва бу тамсилчилар ўзлари яшайдиган жамиятларнинг узвий бир парчаси уларок давлатчилик қурилишида ўз диний қарашларини акс эттирмаслиги мумкин эмас. Бугунги диндан тўла мосуво бўлган жамият қуриш ҳаракатларининг жамиятни маънавий жиҳатдан қанчалик аянчли аҳволга олиб келиши мумкинлигини Овруподаги демократик-секуляр давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Албатта, бундан ислом давлатларидаги аҳвол Овруподагидан яхши деган фикр келиб чиқмайди. Бу икки хил тоифа ўлкалардаги фарқ бирида бошқасидан кўра камроқ ёки кўпроқ муаммо борлигидан эмас, балки, тенг миқдордаги муаммоларнинг турлича моҳиятда эканлигидан иборатдир. Қилиниши лозим бўлган иш – бу икки хил жамиятдаги ижобий хусусиятларни синтез қилиб, уларни қуриллашга янги жамият пойдеворига қўйишдан иборат бўлиши керак.

Мадомики, мусулмон жамиятларининг тараққиётдан орқада қолганига бугун ислом дини сабабчи қилиб кўрсатилаётган экан, демак, мусулмонлар бугун худди минг йил олдин ажодларимиз амалда кўрсатгани каби, замонавий илм-фанларни ўзлаштириб, ислом дини нуфузини ўша ўтмишимизда ажодларимиз эриштирган даражага кўтаришлари лозим. Динимизнинг кадр-қиммати тўғридан-тўғри жамиятимизнинг илм-фан ва тараққиёт борасида юксалиши билан боғлиқлигини тарихимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Пайғамбаримиз(с.а.в) “Бешиқдан қабргача илм изла” деганлар, аммо бу ҳадиси шарифни инсон то қабргача фақат Қуръон ўқиш билан машғул бўлиши лозим, дея талкин қилиш ҳатодир. Чунки, Қуръони карим илм эмас, Аллоҳнинг амр ва қайтариқлари мажмуидир. Илм соҳасида баҳсу-мунозаралар қилинади, тахмин-у гумонлар қилинади, Қуръон эса, мунозаралардан ҳам, тахмин-у гумонлардан ҳам фориғдир.

Савол:

Ҳозир дин сиёсатга аралашмаслиги лозим деган мавқеъни ушлаган

ватандошларнинг ҳозирги сиёсийлашаётган Исломий жамоаларга тоқатсизлик муносабатини кузатаямиз. Бу боришда Ўзбекистонда исломий жамоаларнинг сиёсий фаолиятини, келажагини бошқалар билан муносабатини қандай тасаввур қиласиз?!

Жавоб:

Агар дин сиёсатга аралашаётган бўлса, бунга дин эмас, динга қарши курашаётганлар сабабчидир. Дин душманлари динни оёқ ости қилиб, мусулмонларни фақат намоз ўқигани ва ёки хижоб кийгани учун қамоқларда қийнаб ўлдиришади-ю, сўнгра уларга “сиз сиёсатга аралашманг” дейишади. Динга қарши зулм ва зуғум давом этар экан, мусулмонлар тобора кўпроқ сиёсийлашаверадилар ва бу табиий ҳолдир. Зотан, мусулмонларнинг сиёсийлашишдан бошқа иложлари ҳам йўқ, бугун мусулмонларнинг сиёсийлашмаслиги яқин орада ислом динининг бутунлай маҳв этилиш таҳлиқасини юзага келтириши мумкин. Албатта, Аллоҳ ўз динини ҳимоя қилади, аммо унутмаслигимиз керак-ки, Аллоҳ динини ўз қулларининг қўли билан ҳимоя қилади. “Дин ўз йўлига давлат сиёсати ўз йўлига” бўладиган замон фақат дин узаридан бутун тазйиқ ва босқилар олиб ташланганидан сўнггина амалга ошиши мумкин. Дин ва замонавий давлат бошқаруви ўртасида шундай консенсус, келишув имконсиз экани ҳақда фақат дин душманларигина гапириши мумкин. Ислом ва сиёсат мавзуида яна шуни таъкидлаш лозим-ки, Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг ўзлари ҳам Аллоҳнинг элчиси бўлиши билан бирга, буюк сиёсатчи ҳам эдилар. (Зотан “элчи” калимасининг ўзи ҳам бугунги кунимизда сиёсий мазмун ташийдир). Хусусан, пайғамбаримиз тарихдан унинг ўзи олган баъзи қарорларни кейинроқ шароит тақозоси билан ўзгартирганларига гувоҳ бўлаемиз. Масалан, ҳадислар китобида баён этиладиган бир ривоятга кўра, пайғамбаримиз(с.а.в) бир кун саҳобаларнинг ўз тасарруфларидаги хурмо дарахти гулларини сунъий йўл билан чанглантираётганига шохид бўлиб, саҳобаларга бундай қилмасликка амр берганлар, бу – Аллоҳнинг ишига аралашув эканлиги ҳақида огоҳлантирганлар.

(Давоми кейинги бетда)

ДИНДАН МОСУВО ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАНАЗУЛГА УЧРАЙДИ

(Давоми: боши олдинги бетда)

Натижа шу бўлган-ки, ўша йили хурмолар оз ҳосил бериб, аҳоли ичида қаҳатчилик юзага келган ва шундан сунг бир гуруҳ саҳобалар пайғамбаримиз(с.а.в) хузурига келиб, ундан яна хурмо гулларини сунъий чанглантиришга изн беришларини сўраганлар. Пайғамбаримиз саҳобаларга: “Майли, сиз бу ишни мендан яхшироқ биласиз”, дея олдин қабул қилган қарорларини бекор қилиб, уларга яна гулларни сунъий чанглантиришларига изн берганлар.

Айтилмоқчи бўлган фикр шуки, бугун мусулмонлар ичида ислом энди туғилаётган онда бутпарастларга қарши аёвсиз кураш асносида расм ва тасвирлар борасида қабул қилинган амр ва қарорлар масаласига ҳам шундай ёндашиш имкони ҳақда мулоҳазалар юритилмоқда.

Хусусан, Қарзавий сингари баъзи уламолар фотосуратларнинг исломда таъқиқланган тасвирлар сирасига кирмаслиги ҳақда фатво берганлар.

Моҳиятига доир яна бир ибратли ҳадис: ўз саҳобалари билан олис сафарга чиққан пайғамбаримиз(с.а.в) сахро ўртасида турган бир дарахт тагига ўтириб ҳордиқ чиқарибдилар ва сўнгра ўз сафарини давом эттириш учун ўрнидан қўзғалар эканлар, саҳобаларга дарахтни чопиб ташлашни буюрибдилар.

Саҳобалар бундай амрдан ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганларида, пайғамбаримиз(с.а.в) мусулмонлар бу дарахтни тавоф қилиш масканига айлатиришлари мумкинлигини ўйлаб, шундай амр берганларини тушунтирганлар. Яъни, пайғамбаримизнинг бу хатти-ҳаракатларида илоҳий амрдан кўра, сиёсий зако кўпроқ кўриниб турганлигини эътироф этишимиз лозим.

Айни пайтда пайғамбаримизнинг дарахтни кестирганини мусулмонлар учун суннат сифатида тақдим этиш ҳам мантиқли бўлмайди.

Хуллас, ислом дини дунё динлари ичида моҳияти энг ойдин бўлган бир диндир ва биз мусулмонлар динимизни чигаллаштримай, унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга тадбиқ этсак, динимиз равнақи учун яхши бўлади, иншоллох.

В.ОХУНОВ: СОЛИХДАН ТАШҚАРИ БАРЧА МУХОЛИФАТДАГИЛАР – АҲМОҚЛАР КЕМАСИДИР



Мусаввир Вячеслав Охунов, Ўзбекистондаги такводор инсонларга таяниб Солих тўғри қилади, ўзбек мухолифатидаги қолганларнинг бари – аҳмоқлар ва кичкина одамлардир, дея ҳисоблайди.

Вячеслав Охунов гапиради:
- Ўзбекистондаги режимга бўлган бошқа ўзгача фикрдагилардан фарқли, ҳорижда яшаётган Муҳаммад Солих, аниқ, тўғри ва ақлли тактикани танлаган.

Мамлакатда бўлаётган ҳодисаларни тўғри англаб, – омманинг қашшоқлашаётгани, ҳукуматга ва президентга ишонмаслик, ҳафсаланинг пир бўлгани боис – бир таскин, ҳақиқатни топиш учун одамларнинг гуруҳ бўлиб динга қираётганидан келиб чиқиб, Солих ўз электоратини такводор инсонларда кўриб тўғри қилади.

Қолган ҳамма, “ғарб демократияси” каби мавҳум тушунчаларга умид боғлашмоқда ва бу мутлақо беҳуда, чунки ушбу демократияга йўналтирилган “рангли” инкилоблар фиаскога учраб бўлди.

Масалан, Ливиядаги фукаролик уруши эндиликда каддафийчилар билан эмас, инкилобчиларнинг ўртасида давом этмоқда. Айни шундай можаро Мисрда ва бошқа мамлакатларда ҳам кечмоқда.

Бирок Шарқда ҳозир бирламчи кадрийларга – динга қайтиш юз бермоқда. Руслар учун православ насронийлиги, протестантлик – америкаликлар учун, Шарқ учун эса – исломнинг бўлиши табиий. Буни англамасдан туриб, Солихнинг мухолифлари ютқизишди, энди эса унинг ҳақлигини тушунганларидан кейин, баттар ғашлари келмоқда.

Энди улар шантаж билан шуғуллана бошлашди, Солихни у қилмаган қилмишларда айблай бошлашди. Улар “ғирром карта” билан ўйнашга ўтиб олишди, бу албатта чиркин бир ўйиндир. Ўз “протестантаримиз” сайтларига боқарканман, АҚШда, Швецияда, Францияда ва Германияда ўтирган гўёки мустақил мухбирлар, менда шунчаки қандайдир мавҳум бир тўда таасуротини қолдиради.

Солих зўр, мунозара чақириқларига эътибор бермасдан у мутлақо тўғри қилди, – бу гўё филга қарши кучукчани қўйиш билан тенг. Гап кучлар тенглигида ҳам эмас, балки интеллект даражасида.

Солихдан ташқари, Ўзбекистондаги бутун мухолифат – бир кема аҳмоқлардир, уларнинг ўтирган жойларида қиладиган ишлари, қаёққа сузиш ва нима қилиш ҳақида баҳс қилишдан иборат.

Шунинг учун Солих: менга аҳмоқлар кемаси керак эмас, мен у ерда бўлишни истамайман, у ернинг ўз капитани, ўз дарғаси ва бошқалари бор, менинг жойим эса – ислом, эътиқод.

Ва у ўз линиясини, айтиш керакки, катта муваффақият билан олиб бормоқда. У ҳозир Ислом каримовга ягона рақобатчи, ва унинг халқ орасидаги оммавийлиги анча юқори даражада.

Яқинда мен, масжиддан чиқиб келаётган 18 ёшли бир йигитдан сўрадим: «Сиз Муҳаммад Солихни биласизми?» деб. У менга, албатта билишини, унинг қандай китоблар ёзганини айтиб жавоб берди.

Мен бу йигит шундай билимдон бўлса керак, дея бошқасидан сўрадим – у ҳам Солих тўғрисида эшитган экан. Бу менинг уйим олдидаги мачитда бўлган эди. Мен бошқа бир маҳаллага бориб сўрадим, – ҳамма билади!

Бунинг устига, у ҳақда эхтиром билан, ўта ақлли инсон сифатида кадрлаб, худога шукрки, ўзбеклар орасида шундай одам бор дея, гапиришади.

Агар бу одамлардан, Темур Пўлатов, Пўлат Охунов, Баходир Чориев ким деб сўраса – ҳеч ким уларни танимайди. Мана бу сўров текшируви кўп нарсани англайди. Айни пайтда айрим мухолифатчилар ҳар қандай йўл билан бўлсин ҳокимиятни ўзгартиришга интилишмоқда, уруш очиб билан бўлсин – бу мутлақо ногўғри.

Бизнинг давримизда ҳар қандай уруш мамлакат учун, унинг мустақиллиги учун хатарлидир – бундан шу заҳоти Россия фойдаланиб қолади, у Ўзбекистонни ўз мустамлақасига айлантириб олиш учун ҳамма ишни қилади. Бирок аксарият мухолифатчилар айнан Россияга умид боғлашапти, гўё катта додалари келиб ҳаммасини ҳал қилади...

Мен мухолифатчилар билан конструктив диалог олиб борилмаганини улкан камчилик деб биламан. Гарчи бу олиб борилмайди ҳам, чунки улар орасида, бизнинг ҳукуматимиздаги ҳолат каби, интеллектуаллар, ақлли одамлар йўқ, миллатнинг касофати шундаки, республикада халқ эргашадиган шахслар йўқ.

ҚОНУНЛАРДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАР ҲАҚИДА



Қонунчилик суд-хукуққ тизимидаги амалдорларнинг суд-хукуқ соҳасидаги ислохотлар ҳақида, қонун талабларини тарғиб қилишдан тортиб, қонун устиворлигию, қонунларнинг ижроси ҳақида, уларни янада мукамаллаштириш ва халқ манфаатларини кўзлаб қонунларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида баралла хўб сайрашди.

Амалда эса ваъда қилинган мақсадларга мутлақо зид яъни, халқ манфаатларига мутлақо зид ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришларни оддий халқ тушунмаса ҳам юристлар жуда яхши тушунади. Бу ўзгартиришлар халқ манфаатларини эмас, балки прокурор, терговчи, судьялар ва умуман юристларнинг манфаатларини кўзлаб киритилганлиги учун улар индамай жим юришибди. Қонунчилик соҳасидаги амалдорлар Президентимизнинг ва кўпчилик депутатларнинг юридик маълумотга эга эмаслигидан мохирона фойдаланиб Жиноят Кодекси ва Жиноят-процессуал Кодексларига ўз манфаатларини кўзлаб, ўзларига керакли, яъни порахўрликка имкон яратиб берадиган ўзгартиришлар киритилган. Масалан, ЖК нинг деярли барча моддаларига жиноятчиларга жазо тайинлашда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси олиб ташланган, озодликдан маҳрум қилиш санкциялари қайтаририлган ва келтирилган зиённи қоплаган жиноятчилар озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилинган. Кўпчилик моддаларнинг санкцияларида жазо турлари кенгайтирилиб, прокурор ва судьяларга танлаш имкони кенгайтирилган. Бундай ўзгартиришлар прокурор, терговчи ва судьяларга порахўрликни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун қулай имконият яратиб беради. Шунингдек ЖПК нинг суд ҳукми ва қарорларини қонунийлигини текшириш бобига шундай ўзгартиришлар киритилганки, натижада оддий халқ қанчалик сарсон бўлаётганлигини таърифлашга тил ожиз. Эски Кодексда икки босқичли текшириш, яъни кассация ва назорат тартибида текшириш усуллари мавжуд эди. 14.12.2000. кунги қабул қилинган қонунга асосан апелляция тартибида

текшириш усули ҳам киритилган. Бу ўзгартиришлар текшириш процедурасини янада чигаллаштириб, мураккаблаштириб, умуман халқни гангитиш ва лақиллатиш учун киритилган.

Натижада прокурор, терговчи ва судьяларнинг порахўрликка имкониятлари янада кўпайтирилган. Ундан ташқари адолат излаб сарсон бўлиб юрган оддий халқ ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар хил шикоятлар ва уларга берилган ҳар хил жавоб хатлари орасида гангиб, боши айланиб, қоғозлар гирдобиди қолиб, ҳеч нарсани тушунмай, бор сармоясини ношуд адвокатларга сарфлаб, чўнтаги қуриб, охири ярим йўлда қўл силтаб ташлаб кетишга мажбур бўлади. Прокурор ва судьяларнинг ўзгартиришлар киритишдан асосий мақсадлари ана шу эди. Аслида “Апелляция” сўзининг маъноси: “Бирор бир авторитетга маслаҳат сўраб муружаат қилиш”-маъносини билдиради. Демак бу сўзни шикоят ўрнида ишлатилиши нотўғри, бу сўзни юридик муомалада умуман ишлатиш мумкин эмас. “Кассация” сўзининг маъноси: “Қонуний кучга қирмаган суд қарорини юқори турувчи судда қайта қўриш учун шикоят келтириш”-маъносини билдиради. Бу сўз айнан суд қарорлари устидан шикоят келтиришда ишлатилиши лозим. Яна бир қийинчилик шундаки, апелляция, кассация тартибида текширув ўтказилмагунча назорат тартибида иш қўрилиши мумкин эмас дейилган. Елиб, югуриб бу чиғирқдан ўтгунча ҳукм устидан шикоят келтириш муддати тугаб, ноҳақ қамалган шахс ноҳақ жазони ўтаб озодликка чиқади. Бу ўзгартиришлар халқ манфаатини кўзлаб фикрланганда бир қарра текширувни ўзи етарли деб ўйлайман. “Судлар тўғрисида”ги Қонунга келсак, аввало судларни “жиноят ишлари” ва “фуқаролик ишлари” бўйича ажратилишининг ўзи демократик принципларнинг кўр-кўрона бузилишига олиб келади. Кўпинча фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиш холларида ҳуқуқ бузувчининг ғайриқонуний ҳаракатларида жиноий ҳаракат мавжуд бўлиб, бундай шикоятлар жиноят-процессуал тартибда қўрилиши лозим. Амалда эса таркибида жиноий ҳаракатлар мавжуд бўлган шикоятлар фуқаролик ишлари бўйича судига берилганлиги учун фуқаролик-процессуал тартибда қўриб чиқилиб, амалдорларнинг жиноятлари яширилади. Натижада жиноят содир этган амалдорлар, албатта порахўрлик эвазига, муқаррар жазодан озод қилинади.

Ўзбекистонда суд тизими: Олий суд Пленуми, Олий суд Раёсати, Олий суд

судлов хайъатлари, Вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, Туман (тумандаги шаҳар) судларидан иборат. Олий суднинг ўзида ортикча инстанциялар мавжуд. Афсуски кўпчилик фуқаролар ҳатто Олий суд судлов хайъатига ҳам етиб кела олмайди.

Яъни киритилган ўзгартиришлар шаҳар суди босқичдан Олий суд Пленумигача бўлган масофани узайтириш мақсадида киритилган. Бунинг натижасида ҳеч қандай шикоят қонунан тўғри хал қилинмайди. Демократик принципларга асосан суд қарорлари устидан келтирилган апелляция шикоятлари юқори турувчи судларда қўрилиши лозим. Шунингдек ЖПК нинг 478-моддасида қуйи судлар устидан назоратни юқори турувчи судлар олиб бориши ҳақида аниқ ёзилган. Лекин 14.12.2000. кунги ўзгартиришлар ана шу модда талабига ва демократик принципларга мутлақо зид бўлиб, яъни вилоят судларида биринчи инстанция тартибида қўриб чиқилиб чиқарилган ҳукм устидан берилган апелляция шикояти шу суднинг апелляция инстанциясида қўрилиши ҳақида ўзгартириш киритилган. Вилоят суди ўзи чиқарган ҳукмни қандай қилиб ўзи бекор қилиши мумкин? Суд раиси шу суднинг ҳукмини бекор қилинишига йўл қўядими? Шунингдек назорат тартибидаги шикоятларни қўриб чиқиш ваколати ҳам шу судларнинг ўзига берилган. Бу ўзгартиришлар демократик принципларга мутлақо зиддир.

Апелляция, кассация ва назорат тартибида ишни қўриб чиқиш муддатлари узайтирилган, бу ўзгартириш аввало ноҳақ қамалган шахсни қамокда сақлашни муддатини узайтиради ва жиноят ишидаги мавжуд қаллобликларни бартараф қилишга улгуришга имкон беради. ЖПК нинг 329-моддасига 21.12.2009. кунги қонун билан жиноят ишини қўзғатиш учун эски кодексда берилган 3 суткалик муддат 10 суткага узайтирилган. Бу ўзгартириш ҳам амалдорлар, прокурор, терговчи ва судьяларнинг манфаатларини кўзлаб киритилган. Бу ўзгартириш уларга порахўрликни ривожлантириб, амалдорларни, пулдорларни химоя қилишга улгуриш учун мўлжалланган. Бу ўзгартириш ҳам демократик принципларни жиддий бузилишига сабаб бўлади. 24.04.12. куни қонунчилик палатасида жиноятчиларга жазо сифатида жарима солиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ўзгартириш натижасида пулдор жиноятчи амалдорлар озодликдан маҳрум қилиш жазосидан қонунан озод қилинади, яъни пулдор мансабдорлар қўрқмасдан жиноят содир этишига ва пул эвазига жазодан озод қилинишига қафолат яратиб бериляпти.

(Давоми кейинги бетда)

ҚОНУНЛАРДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАР ҲАҚИДА

(Давоми: боши олдинги бетда)

Мабодо қўлга тушиб қолса жаримани тўлаб жазодан қутулиб қолишига ишонади. Пули йўқ ночор жиноятчилар камалиб кетаверади. Бу ўзгартириш Конституциянинг 18-моддасининг бузилишига сабаб бўлади, шунингдек судья ва прокурорларга порахўрликни ривожлантиришга ва амалга оширишга имкон яратиб беради. Прокуратура органларига келсак, “Прокуратура туғрисида” ги Конуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш натижалари буйича прокурор қарор қабул қилиши ва бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги ҳақида аниқ ёзилган. Лекин бирорта прокурор ана шу қонунга биноан қарор қабул қилганини кўрмадим. Улар фақат оддий хат кўринишида жавоб ёзишади – бу қонунбузарлик ҳисобланади. Прокурорлардан шикоят қилинидан қабул қилган қарорини нусхасини талаб қилсангиз Бош Прокурорнинг 10.12.04. кунги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўз.Р.прокуратура органларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби туғрисида” ги Йўриқноманинг 38-40-моддаларини рўқоч қилиб, қарор нусхасини беришдан бош тортишади. Демак ушбу йўриқнома “Прокуратура туғрисида” ги Конуннинг 7-моддаси талабларига зид ҳолда қабул қилинган бўлиб, демократик принципларнинг кўр-кўрона бузилиши қонунан тасдиқланган, яъни фуқаролар куйи турувчи прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, чунки оддий хат устидан шикоят келтириш қонунда назарда тутилмаган. Натижада прокурорлар фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан қарор қабул

қилишдан ва бажараётган ишлари учун жавобгарликдан қонунан озод қилинган. Прокуратура органларида демократизмнинг бўғилиши факти қонун билан тасдиқланган. Натижада адолат излаб прокуратура органларидан қарор ўрнига ёлғон-яшиқлар баён қилинган оддий хатларни олиб сарсон-саргардон бўлиб юрган фуқароларнинг сон-саногии йўқ. Юқори турувчи прокурорлар ҳам шикоят билан келган фуқаролардан куйи турувчи прокурорнинг қарорини талаб қилиш ўрнига шу хат жавобини кўриб чиқиб, ундаги ёзилган бўхтонларни тасдиқлаб, шикоятчиларни лақиллатишда давом этипти. Бундай лақиллатишлар оддий ҳолатга айланиб қолган. Бундай ёлғон жавоб хатлари рўйхатга олиш китобини четлаб ўтади, чунки уларнинг ҳаммаси бир хил рақам билан қайд қилинган. Бундай қонунбузарликлар барча ҳуқуқ-тартибот идораларида ва маҳаллий ҳокимиятларда мавжуд ва оддий ҳолатга айланган. Адвокатлар фаолиятига келсак, адвокатлар палатасини тузилиши ва адвокатларга лицензия бериш тартибини киритилиши оқибатида барча адвокатлар жиловланган, бирорта адвокат эркин ҳаракат қила олмайди. Бу тартибнинг киритилишининг ўзи демократик принципларга зид. Эркин ҳаракат қилган адвокат эртасига лицензиясидан маҳрум бўлади. Ҳозирги кунда жуда кўп адвокатлар лицензия ололмай юрибди, шулар қаторида Рухиддин Комилов ҳам. Турт йиллик умрини сарфлаб, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб ўкиб юридик диплом олган мутахассислар ишсиз юрибди. Бундай аянчли ҳолатда ҳеч қандай суд ишлари адолатли, қонунан ҳал қилинмайди. Натижада адвокатларга ишонч йўқолган. Шунинг учун ҳам фуқаролар мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларига мурожаат қилишга мажбур бўляпти.

Бу ҳолатни кўриб ҳуқуқ-тартибот идоралари амалдорлари ЖПК нинг 62-моддасига ўзгартириш киритиб, вакил тариқасида адвокатлар, махсус руҳсатномага эга бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорларнинг қарори ёки суд ажримига кўра ишда қатнашишга руҳсат берилган, яқин қариндошлар иштирок этишлари мумкинлиги кўрсатилган. Демак яқин қариндошларнинг орасида юрист топилмаса шўринг қурийд. Ушбу қонунга кўра Нотариусларга фуқароларнинг танлаган бегона вакилларига ишончнома расмийлаштириш таъқиқланган. Ушбу ўзгартиришлар демократик принципларга ва Конституциянинг 35-моддаси талабига мутлақо зиддир. Худди шунингдек очик тарзда кўриляётган суд мажлисларига ҳам тарафларнинг яқин қариндошларидан бошқа ҳеч ким киритилмапти. Иш ҳужжатлари билан танишиб чиқишда жабрланувчи ўзи билан бирга олиб келган шахсларга руҳсат берилмаяпти. Бу ерда ҳам Конституциянинг 35-моддаси талаби бузилаяпти. Хулоса қилиб айтганда қонунларга киритилган ўзгартиришлар фуқароларнинг демократик ҳуқуқларини поймол қилинишига сабаб бўляпти. Бу ўзгартиришларни қабул қилинишида депутатларнинг кўпчилиги умуман ҳеч нарсини тушунмаган ҳолда овоз беришган ва натижада адолатсиз, демократик принципларга зид бўлган қонунлар қабул қилинган.

ҚОНУНЛАРИ ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРГА ВА ЎЗ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЗИД БЎЛГАН ДАВЛАТНИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ДЕБ БЎЛМАЙДИ !

Ш.М.Рустамов, Инсон ҳуқуқлари Альянсининг ҳуқуқ ҳимоячиси

Тошкент-71, Шайхонтохур тумани,

ҚАРҒА ҚАРҒАНИНГ КЎЗИНИ ЧЎҚИМАЙДИ

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан бўлган Ўқтам Абдуназаров ҳаммага ўзининг адолат излаши билан машҳур бўлган шахслардан бирига айланди. У жорий йилнинг 7 январь кунда учинчи бор жарроҳлик столига ётқизилган. Автоҳалокат туфайли синган оёғи битмаганлиги сабабли, шифокорлар жарроҳлик амалиёти ўтказилмасда бўлмаслигини тақидлашган. Бу жарроҳлик амалиёти катта пул эвасига қилинган. Эсингизда бўлса, Ўқтам Абдуназаров ДАН ходими Нодир Холбоевни жиноий жавобгарликка тортириш мақсадига, жуда кўп маротоба қонуний ҳаракатлар қилди, аммо сабий ҳаракатлари бесамар кетди.

Илдизи чуқур томир отиб кетган Нодир Холбоевни жазога тортиш у ёқда турсин, биров уни мушугини ҳам “пишг” дегани йўқ. Режим Ўқтам Абдуназаровни на пикет қилгани кўйди, на ДАН ходими Нодир Холбоевга нисбатан жиноий иш қўзғади. Ўқтам Абдуназаровнинг акасини вафот этгани ва уни ўзи ногирон бўлгани қолди холос

“Мен ҳали ҳам тўхтаганим йўқ, аризалар билан мурожаат қилаялман. Нодир Холбоевнинг қариндоши, Вилоят ИИБ да катта мансабда ишласа ишлабди. Бу мени қизиқтирмайди. Менга адолат қарор топиши шарт”, – таъкидлайди Ўқтам Абдуназаров. Бу гал Ўқтам Абдуназаровнинг қай

усулда адолатни қарор топдириш талабини қўйиши ҳозирча номаълум. Яқин келажақда маълум қилиб қолар! Режим Ўқтам Абдуназаровни сира тушнгиси йўқ! Тшунишни ҳам истамайди! Нима бўлибди? ДАН ходими Нодир Холбоев туфайли автоҳалокат содир бўлиб, унинг акаси Амир Абдуназаров вафот этибди, Ўқтам Абдуназаров эса ногирон бўлиб қолибди. Бунинг уларга қизиғи йўқ!

“Қарға-қарғани кўзини чўқимамайди”!

Гулшан Қораяева

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари
Жамияти
Қашқадарё вилоят бўлими раиси

ШАЛЛАҚИГА ОЧИҚ ХАТ

Куни кеча, аниқроғи 29 апрель кунида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати турли иғво ва бўҳтонларга ўралашиб қолган сайтлар билан баҳсларга чек қўйиш ҳақида бир қарор қабул қилди ва камина ҳам шу ташкилотга аъзо эканман, бу қарорни хурмат қилмай иложим йўқ.

Ўтган мақолаларимдан бирида кимки Ж. Маматов билан хат ёзишса уни кўпчилик ўқийдиган сайтлардан бирида эълон қилиб қўйишларини сўрагандим. Мен айна мана шунга кўра сизга мактуб йўллаяпман. Буни бошқалар ўқийдими, ёки йўқ, бу албатта уларнинг иши. Аммо Ж. Маматов, сиз ўқишингиз шарт! Сиз мени “Озодлик” радиосидаги фаолиятим даврида ҳам билардингиз ва ундан кейин ҳам.

2000 йилда “Озодлик” радиосининг ўзбек бўлимида туб ўзгаришлар содир бўлди ва Тошкентдаги офисда Азиз Жўраев бошлиқ бўлиб келди. У биринчи навбатда мени ва Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан бўлган раҳматлик Асадулла Ортиқовни радиодан қувди. Ҳар қанча уринмай, радиода қолишнинг иложи бўлмадим. Ўша кезларда ишсиз қолишим ортидан ҳуқуқбонлик фаолиятини бошлади.

Ички Ишлар Вазирлигининг ертўласида ўлдирилган Шовриқ Рўзимуродов билан бирга Сурхондарёга сафар қилиб ҳукуматнинг содир этган катта бир жиноятини фош қилдик. Сизга узатилинган ўша материални тайёрлашдан олдин чўнтагимизда йўл пулимиз ҳам йўқ эди. Бу сарф харажатларни Шовриқ ака Рўзимуродовнинг яқин дўстларидан бири, ўша кезде Қашқадарё вилоят Нишон тумани Ички Ишлар Бўлими бошлиғи бўлган Сафар Сармонов кўтариб юборганди. Шовриқ ака у одамдан қарз олди ўшанда. Ва мана шу сафар натижаси ўлароқ, уни қийноққа солиб ўлдирдилар.

Албатта сиздан яхшилиқ кўрганман. Буни мардларча тан оламан. “Америка овози” радиосидаги ҳамкорлик мен учун анча яхши кечган давр бўлганди ўшанда. Эсланг, Юсуф Расулов ва мен “Америка овози” ўзбек бўлими рейтингини “Озодлик” радиоси ўзбек бўлими рейтингидан ҳам баланд даражада кўтариб юборгандик. Бу ҳақида бўлим мудири бўлган Насрулла ака Лаҳеб Тошкентда, Юсуфнинг уйида бўлганимизда ҳам айтганди. Дарҳақиқат, “Амрика овози” радиосидан олган гонарар менинг



иктисодий аҳволимни анча кўтарди. Шунда сиздан миннаддор бўлиб уй сотиб олганман. Лекин нега бунақа майдагаплик қилиб ўшани интернетда кўтариб чиқаётганингизни эса тушуна олмаяпман.

“Аммо яна бир куни шундай қувончли овозда “қуда томон” билан тил топишганини айтиб қолди. Бу сафар хафа бўлдим. Бир нарса дея олмайман”, – дея давом этаяпсиз.

Бу ғирт тухмат, уялмай бу гапни айтаяпсиз! “Қуда томонни” жуда аҳмоқ деб ўйлайсиз шекилли.

Биласиз, улар оғзидан бунақа гапларни гуллаб юрадиганларни ўзларига яқинлаштиришмайди!

Эсланг, Ризо Обид “Америка овози”дан қандай қувилганди. Менинг ҳисобимга Роҳиланинг пули келарди ва у ўз вақтида пулини оларди. Юсуф ҳам икки ҳамкорнинг пулини ўз ҳисобига қабул қилиб уни ўз вақтида бериб борарди. Ризо Обидга эса Тожикистонлик Равшан Шамс биркитилган ва у ўзининг қалам ҳаққини ололмаганди. Ҳозир ҳам Равшан ака билан алоқам бор ва керак бўлса пулини олмаганлигини тасдиқлаб беради. Шу воқеадан сўнг Р. Обид қувилганди ва ҳеч бир уялмай, нетмай у билан апоқ-чапоқ бўлиб юрибсиз.

Эскиларда бир гап бор: “қилма, топасан” дейдилар. Сиз Солиҳ акадан ҳеч ким олмаган кўмакларни олгансиз, шундай бўлсада, йигирма йилки, бу одамни ҳақоратлаб келаяпсиз. Яхшилиқга ёмонлик!

Менга яхшилигингиз ўтганлигини таъкидлаб ўтдим юқорида. Аммо мен сизга ёмонлик қилмадим.

Эсланг, мени лақиллатиб қанақадир ўзи йўқ муаллифларнинг электрон адресини берганингизни.

Эсланг, мен сизга ишониб унга мактуб юборганимни. Кейин эса ўша хатлардан бирини менинг МХХ

агенти эканлигимни тасдиқлайдиган ҳужжат билиб шу йилнинг 12 апрель кунида “Замондош” сайтида қўйганингизни.

Мен бунга жавобан сизнинг бу даражада пасткаш эканлигингизга ишонмаганимни ва эндиликда эса пасткашлигингизга аниқ ҳужжат борлигини ёзиб чиқдим. Сиз 12 яшар бола каби фикрлайсиз. Ҳасад ўти сизни шунчалар куйдирдимки, ақлингизни йўқотгансиз. Сиз ҳақоратлаётган Муҳаммад Солиҳ сизга қанчалар яхшилиқ қилганди, аммо сиз тонаёпсиз.

Фарқимизни қаранг, мен сиздан яхшилиқ кўрганымдан тонаётганим йўқ. Ва ҳеч қачон бундай номардликни қилмайман ҳам.

“Агар кимдир ростдан ҳам лидер бўлмоқчи ва Ўзбекистондаги режимни ўзгартирмоқни истаса, энг аввало ҳамма билан орани тузатиб олиши, танқидларга чидаши зарур. Ваҳоланки, аксини кўрмоқдамиз”, – дея ёзаяпсиз.

Қанақа танқид ҳақида гапираяпсиз? Бировни ҳақорат қилиш билан танқиднинг орасида улкан бир жар борлигини идрок эта олмайсиз шекилли. Мен ҳам ўзбек муҳолифатига лидер бўлишни истайман, лекин бўлаолмайман. Лидерларни давр танлайди. Сиз ҳақорат қиладиган Муҳаммад Солиҳ сизнинг истагингиз билан муҳолифат лидерига айлангани йўқ ва аксинча, у одамнинг ўзи истаса, ёки истамаса у ўзбек муҳолифати лидери бўлиб қолаверади. Чунки юқорида таъкидлаганим: лидерларни давр танлайди. Бунга рози бўлмай иложингиз йўқ!

Сизнинг ўзбек муҳолифатига лидер бўлиш истагингиз жуда баланд, буни биламан. Нафақат мен, бошқалар ҳам билади. Лекин сиздан лидер чикмайди. Жуда бўлмаса, ҳозирча чикмайди. Агар лидер бўлишни истасангиз бор бўлса, марҳамат, Ўзбекистонга қайтинг ва ўша ерда бир сиёсий партия тузиб, тарафдорлар топинг. Кейин бош кўтаринг! Ака-укаларингиз, қўни қўшниларингиз, дўстларингиз қамалсин. Ана ундан сўнг, балки лидер бўлиб оларсиз. Иссиқгина танчада ўтириб, тўкин-сочинликда баҳолават яшаб лидер бўла олмайсиз. Сиз яхшигина - олиб-сотарсиз бу касбни ташласангиз нонсиз қоласиз.

ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОН: ‘ЎЗБЕКИСТОНДА МЕНИ ҚИЙНОҚҚА ТУТИШДИ’



Тошентдаги “Туркуаз” савдо марказининг собиқ раҳбари Воҳид Гунеш Ўзбекистон расмийлари томонидан қийноққа тутилганлигини айтиб, маҳкамага шикоят қилди. Воҳид Гунеш шунингдек, мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб берилишини талаб қилмоқда. 46 ёшли Туркиялик ишбилармон Ўзбекистонда “Туркуаз” ширкатига асос солиб, етти йил мобайнида раҳбарлик қилган. 2011 йили март ойида Тошкентдаги энг йирик савдо марказларидан бири ҳисобланган Чорсу бозорига яқин ерда жойлашган “Туркуаз” дўконига рейд уюштирилган. Шундан сўнг ширкат раҳбари ҳисбага олиниб, 9 ярим ой Миллий Хавфсизлик Хизматининг Юнусободдаги вақтинча ҳисбхонасида ушлаб турилган. Кейинчалик ўтказилган маҳкама жараёнида Воҳид Гунеш ва унинг

яна етти ҳамкори солиқларни тўламаслик ва “соя иқтисоди”нинг ривожланишига ҳисса қўшишда айбдор, дея топилди. Туркиялик ишбилармонлар мамлакатдан чиқариб юборилиб, уларнинг

мол-мулклари мусодара қилинди. Воҳид Гунешнинг Би-би-си билан суҳбатда айтишича, Ўзбекистонда ҳибсда ушланган вақти электр токи билан қийноққа тутилган. Воҳид Гунешнинг айтишича, савдо марказига рейд мобайнида идорага бостириб қирган заҳотиёқ уларни дўппослай бошлаганлар. “Саккиз кун иш еримизда ҳибсда қолдик. Шундан сўнг бизни Миллий Хавфсизлик Хизматининг Юнусободдаги ертула-ҳибсхонасига ўтказишди. Қийноқлар у ерда янада кучайди. Ҳар куни эрталаб, бизни сўроққа олиб киришдан аввал дўппослашарди. Сўроқ пайтида кўйган айбларини бўйингизга олмасангиз, сўроқдан кейин яна дўппослайдилар. Оғзиларига келган сўзлар билан ҳақорат қилишарди, тўқмоқ билан уришарди, электрошоклар қўллашди”, деди Воҳид Гунеш.

Маълумки, диктатор Каримов бутун кучи билан ўзбек халқини “информацион блокадада”, яъни хабарлашув қамоқхонасида тутишга уриниб келмоқда. Аммо замон ўз ишини қилмоқда. Халқимиз қийинчилик билан бўлса ҳам мустақил манбалар тарқатаётган ҳақиқий маълумотлардан хабардор бўлмоқда. Қуйида бу ҳақда интернет тармоқларидан олинган қизиқарли маълумот билан танишасиз:

Расмий ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 3,8 миллион одам стационар интернетдан, 5,2 миллион одам эса мобил интернетдан фойдаланмоқда. Бу ҳақда “Газета.уз” нашри хабар қилган. Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 2012 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра 9,1 миллион кишини ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 21,3 фоизга кўп демакдир. Ушанда, яъни 2011-йилнинг биринчи чораги якунларига кўра Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 7,5 миллион кишидан иборат эди.

ИШИНГ БИТДИ, ДИКТАТОР!



Ҳозирда Ўзбекистонда 3,85 миллион фойдаланувчи Интернетга анъанавий усул билан уланса (2011-йил биринчи чорақда – 3,362 миллион, йиллик ўсиш – 14,6 фоиз), 5,2 миллион фойдаланувчи эса мобил интернетдан киради (4,185 миллион, йиллик ўсиш – 24,2 фоиз).

Эслатиб ўтамыз, 2012 йил бошига Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари сони 8,827 миллион кишидан иборат эди. Мобил алоқа абонентлари сони эса – 25,441 миллиондан ортиқ.

Унинг даъво қилишича, бу вақт мобайнида уларни ташқи дунёдан бутунлай ихоталаб, ҳимоячи билан кўришиш имкони берилмаган. Туркиялик ишбилармонга кўра, буларнинг ҳаммаси улардан қўйилган айбларни бўйниларига олишлари учун қилинган. “Ҳимоячи билан кўришдим, менга таржимон ҳам беришди” маъносидаги мактубларга мажбуран имзо чектиришган. “Чорсу”даги савдо маркази, “Амир Темур” хиёбонидаги марказимиз, Тўйтепадаги истироҳатгоҳимиз, Самарқанддаги савдо маркази, Олмалик, Юнусободдаги дўконларимиз таланди. Бизни “нурчилар” деган тўхмат билан телевизорга олиб чиқиб, кечирим сўратишди”, деди Воҳид Гунеш Би-би-си билан суҳбатда. Унинг айтишича, Юнусободдаги ҳисбхонада у қатори яна қатор бошқа маҳаллий ишбилармонларнинг ҳам қийноққа тутилганлигига гувоҳ бўлган. Воҳид Гунеш Оврўпо Инсон Ҳақлари Маҳкамаси ва Халқаро Тижорий Маҳкамага муурожаат қилганликлари ва қийноқлар қўлланганини исботлаш учун қўлларидан етарли далиллар мавжудлигини билдирган. БМТнинг Қийноқлар бўйича собиқ махсус маърузачиси бир неча йил аввал Ўзбекистонга сафари натижасида мамлакатда қийноқлар мутассил қўлланиши ҳақидаги ҳулосага келганди.

Халқаро каналларни ўтказишнинг умумий тезлиги жорий йилнинг март ойи охирига 5 145 Мбит/сонияни ташкил қилди (ўтган йили – 4 850 Мбит/с) Интернет хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони — 936 та, Интернетдан фойдаланиш бўйича жамоа пунктларининг сони эса 1 050 тани ташкил этди.

АТСларни рақамлаштириш даражаси 97,1 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 93,7 фоиз эди.

Бугунги кунда UZ миллий домен зонасида рўйхатдан ўтган доменлар сони 14 мингдан ошиб кетган.

2012-йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, берилган электрон рақамли имзо қалитлари ва сертификатлари сони 230,2 мингдан ошиб кетди. Ўтган йилнинг худди шу даврида эса бу кўрсаткич 163,5 мингга тенг эди.

2012-йилда республика аҳолисини рақамли телевидение сигналлари билан таъминлаш қамрови 45 фоизга етказилади.

ҚОЛИП ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР



(Ёки Ҳаракатимиз стратегияси ҳақида)

Ўтган йили бир қатор араб мамлакатларида бўлиб ўтган инқилоблар кўпчиликлда Ўзбекистонда ҳам шундай жараёнлар бошланишига умид уйғотди.

Аммо афсуски, ўтган вақт ичида бундай жараёнлар дунёнинг энг мустабид режимларидан бири ҳукм сураётган Ўзбекистонга ўз-ўзидан “юк”иб, у ер да тарқалмади. Хўш, сабаб нимада?

Асосий сабаблардан бири, бу жамиятлардаги халқларнинг маънавий-зеҳний қолипларидадир. Араб мамлакатлари халқлари ўз ўлкаларидаги ҳокимиятларнинг канчаллик мустабид ва зулмкор бўлишларига қарамай, ўзларининг маънавий, диний қадриятларини ва негизида диний қадриятлар ётган патриархат яшаш тарзини сақлаб қола билдилар.

Бундай сақланишга бу халқларнинг фақат ўз қадриятлари муҳофазаси борасида ўз мустабидларига қарши тура олганларигина эмас, балки, бу мустабид ҳукмдорларнинг қадриятлар борасида ўз халқига Ўзбекистондаги диктатор каби зулм ва тазйиқлар ўтказмагани ҳам сабаб булди.

Зулм ўтказмаганларининг сабаби эса, ўз навбатида, бу мустабидларнинг ўзлари ҳам қайсидир маънода шу қадриятлар ичида яшаганларидадир. Араб мустабидлари ҳокимият тепасида ўз нафсларига эрк берар эканлар, айна пайтда халқнинг этикодлари ва қадриятларига ҳам ўз нафсларининг бир қисми сифатида боққанлари учун бу қадриятларга қарши Ўзбекистондаги насабсиз ҳокимият ўз халқининг қадриятларига қарши курашгани сингари кураш олиб бормадилар.

Нима бўлганда ҳам араб мустабидлари, Ўзбекистондаги мустабиддан фарқли ўларок, ўз халқининг қадриятлари ичида яшар, ўзбек мустабиди сингари бу қадриятларга ёт, бегона эмас эдилар. Ана шу қадриятларнинг сақланб

қолгани араб халқларининг бу қадриятлар атрофига бирлашиб, ўз озодлиги учун курашга чиқишларига замин бўлди.

Хўш, Ўзбекистонда бундай қадриятлар ҳақида ва умуман, бирон бир шаклдаги қадрият ҳақида гапириш мумкинми? Йўқ, албатта. Ўзбекистон бугун бир мудҳиш шаклсизлик ўпқонига фарқ бўлгандир. Жамият ҳаётида ва ҳатто давлат сиёсатида ҳам бир шакл-шамойил, бир қолип йўқ.

Қолип эса, жуда муҳим бир нарсадир. Қолип – интизом, муқимлик, собитлик, қонунийлик ва маънавият бўлишдан ташқари, у бу маънавиятларни муҳофаза этувчи куч – халқнинг жипслиги ва бир жойга (шу қолип ичига) тўпланиб туришининг гаровидир ҳам.

Қолип, ҳатто зарур бўлган пайтда, унинг ичидан отилиб чиқиш учун (яъний, инқилоб учун) ҳам керак бўлган нарсадир. Қолип – порохни порох қиладиган бир ёпик макондир. Қолип – таянч нуқтасидир. “Менга таянч нуқтасини беринг, мен Ерни ағдариб юбораман”, деган экан Архимед.

Ўзбекистонда эса, бугун ҳеч қандай қолип йўқ: на диний, на анъанавий, на Ғарбдан келган стандартлар ва на давлат идеологиясига қурилган қолип бор.

Ўзбекистонда бир пайтнинг ўзида ҳамма нарса қилиш мумкин (яъний, ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин – қонунчилик, тўғрироғи, қонунсизлик анархияси) ва айна пайтда ҳатто қонуний йўл билан ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса қилишга изн йўқ.

Араб мамлакатларидаги инқилобларнинг келиб чиқиш сабабларини қаранг, баъзиларида бир кишининг режимга исён сифатида ўзини ёққани сабаб бўлган бўлса, бошқасида яна бир гуруҳ кишининг маълум бир сиёсий талабларни кўтариб чиқиши умум халқ ҳаракатига туртки бўлди.

Хўш, Ўзбекистонда бир кишининг ҳукуматга норозилик сифатида ўз жонига қасд қилгани ёки бир гуруҳ муҳолифатчи ёки оддий фуқароларнинг норозилик чиқишлари оммани жунбушга келтириб, бу норозилик ҳаракатига келиб қўшилишига сабабчи бўла оладими? Йўқ. Андижонда юз берган воқеалар ва ундан олдинроқ бир гуруҳ қуролли ёшларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятида ўз орқасидан миришаб ва аскарларни эргаштриб, одамларнинг уйларига кириб, уларни кўчага, норозилик билан чиқишга қилган даъватлари ҳеч кимнинг парвосига

ҳам келмагани, ҳамма ин-инига кириб кетгани ва бу ёшларнинг бекорга қурбон бўлиб кетганлари бунга яққол мисолдир.

Жамият қўлига қурол олиб, қайси қадриятни химоя қилиш кераклигини билмасликдан ташқари, у ўзида биронта қадрият учун курашиш истаги ва эҳтиёжи ҳам сезмайди, чунки, бундай истак ва эҳтиёжни уйғотадиган қадриятнинг ўзи йўқдир. 60 йилларда бир миллий футбол командасининг мағлубияти ва ёки кўчада бир аёлнинг қалта қўйлак кийиб кўчага чиқиши одамларнинг миллий ҳамиятига тегиб, оммавий норозиликларга ва тўполонларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бўлса, бугун минглаб миллатдошларининг рус ирқчилари тарафидан ўлдирилаётгани, уларнинг дунёдаги энг таҳқирли, шармандали ҳолатларда қул қилинаётгани ва ўлкадаги бузуқчилик, фоҳишабозлик дунё халқлари кўрмаган микёсларга етгани ҳам ҳеч кимнинг парвойига келаётгани йўқ.

Мамлакатдаги ҳокимият тарафидан халққа, унинг динига, қадриятларига ва умуман, жисмоний борлиғига қарши қилинаётган бошқа мислсиз жиноят ва зулмларни, том маънодаги генодисидни эса, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ўзбекистондаги бугунги ҳокимият тарафидан ўзбек халқига ҳатто рус мустамлакачилари ҳам қилмаган даражада зулм ва душманлик қилиниб, халқнинг қолипи бутунлай синдириб ташлангандир: на салла ўраган муллада дин қолипи, на дўппи ва чопон кийган эркак ва ёки бошига рўмол ўраб, лозим кийган аёлда ўзбекчилик қолипи, на “зиёли” деб аталадиган ва европача кийинган замонавий ўзбекда европача мустақил фикрлаш қолипи, на миришаб кийимини кийган миришабда ва костюм-шим кийиб, галстук тақиб олиб, ҳар куни машинда кеккайиб ишга бориб-келадиган мансабдорда қонун қолипи бор – ҳамма ёқда маънавиятсизлик, фикрсизлик ва туссизлик.

Шундай вазиятда муҳолифатнинг халқни “ўз қадриятларини химоя учун” курашга чорлаши бирон бир самара беришига ишониш мумкинми?

Йўқ нарсани химоя қилиш қийиндир. Фақат қорин учун курашишга қақаришдан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмайди, чунки, қорин деган нарса “кураш” деган тушунчадан анча пастда туради, қолаверса, “оч қорним, тинч қулоғим” деган мақол бекорга халқимиз орасида бу қадар кенг тарқалмаган.

(Давоми кейинги бетда)

ҚОЛИШ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

(Давоми: боши олдинги бетда)

Хўш, у ҳолда, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати бугун ўлкамизни мустабид тузумдан қутқариш учун қандай йўл тутиши керак? Бунинг учун, менимча, Ҳаракат стратегиясидаги диққат қаратилиши лозим бўлган устувор объектлар, йўналишлар рўйхати бир оз таҳрир этилиши лозим: халқ ичидаги олиб бориладиган тарғибот ишлари ва шунга йўналтирилган ресурсларнинг энг ози билан тенг ярми армия, ҳукумат, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги органларида ишловчи, ўз халқига лоял бўлган ва мавжуд тузум адолатсизликларидан ичидан норози бўлган кишилар билан алоқага чиқиб, уларни халқ тарафига, яъний, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тарафига оғдириб олиш ишига қаратилиши керак.

Яъний, Ҳаракатнинг ҳокимият ичидаги одамлар билан олиб бораётган ҳозирги гизли алоқа ва тарғиботларига янада кенгрок ер берилиши лозим.

Бу ҳолда Ҳаракат стратегияси реал бир заминга кўча бошлайди, яъний, бўлажак инқилоб оқими пастдан тепага эмас, тепадан пастга қараб йўналтирилади, яъний, иш анча осонлашади, зотан, оқимни пастдан тепага чикаришдан кура, тепадан пастга йўналтириш осонрокдир.

Буни, албатта, “сарой тўнтариши” деб аташ ҳам мумкин, аммо унинг қандай аталиши муҳим нарса эмас. Муҳим нарса – бугунги зулм салтанатининг битирилишидир.

” Сарой тўнтариши”га бош қўшган, ўз халқига хайрихоҳ, лоял мансабдорларга Ўзбекистон Халқ Ҳаракати энг аввало ваъда қиладиган нарса – уларнинг режим ўзгарганидан сўнгги даҳсизлиги ва ҳатто, иложи бўлса – агар бу мансабдорлар ўз мансабида экан, жиноий ишлар қилмаган бўлса – ўз мансабларини сақлаб қолиш имкони бўлиши лозим, бундай ваъда ҳокимият мансабдорларининг иккиланмай Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тарафига ўтишга рағбатлантиради.

Мансабдорларнинг халқ тарафига ўтиши халқ шуури учун жуда муҳим рамзий маъно ҳам касб этади: у инертлик, қўрқув ва парокандалик ичида ётган халққа бирлашиб, қўзғолиш учун берилган жуда кучли сигнал вазифасини ўташ билан бирга, муҳолифат амалга ошираётган тадбирларни халқ кўзида қонунийлаштиради, уни машру қилади.

ЎХХ Норвегия бўлими раиси
Мақсуд Бекжон

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ – ЎЗБЕКИСТОН ОХИРИДАН УЧИНЧИ



Ўзбекистон матбуот эркинлиги бўйича энг охириги ўринлардан бирида қолмоқда. Freedom House – Озодлик уйи ташкилотининг “Матбуот эркинлиги” бўйича 2012 йилги ҳисоботида илова қилинган рўйхатдаги 197 малакат орасида Ўзбекистон яна 195 ўринни эгаллади.

Freedom House ташкилотига кўра, кейинги бир йил давомида дунёда олти кишидан биригина эркин матбуотдан баҳраманд бўлган ва бу кейинги ўн беш йил ичида энг ёмон кўрсаткичдир.

Матбуот эркинлиги”га оид навбатдаги ҳисоботда Freedom House 197 мамлакатдаги ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, босма, электрон ва интернет матбуоти аҳволига баҳо берди.

Тадқиқотдан келиб чиққан хулосага кўра, дунё аҳолисининг 14,5 фоизигина эркин матбуот муҳитида яшайди, бу эса ташкилот мазкур соҳани ўрғана бошлаган 1996 йилдан бери кузатилган энг ёмон кўрсаткичдир. Тадқиқот муаллифлари фикрича, Ўзбекистонда матбуот мутлақо эркин эмас ва рейтинг остидаги бу мамлакатдан кейин Туркменистон ва Шимолий Кореягина қўйилган.

Бунда, Беларус, Эритрея, Экваториал Гвинея, Эфиопия ва Бирма каби мамлакатларда ҳам матбуот эркинлиги бўғилгани қайд этилган бўлса-да, бу мамлакатларнинг кўрсаткичлари Ўзбекистондан кўра яхшироқ экани айтилган.

Рўйхат остидан ўрин олган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда, дейлади ҳисоботда, “матбуот эркинлиги мутлақо бўғилган, маҳаллий матбуот режим сўзчисига айланган, фуқароларнинг холис ахборот олиш имкони чекланган ёки ундан маҳрум қилинган, ўзгача

фикрлаш эса қамок, қийноқ ва репрессиянинг бошқа кўринишлари билан жазоланади”.

Freedom House ташкилотининг вице-президенти Кристофер Уокер, Озодлик билан суҳбатда, Ўзбекистондаги сўнгги мустақил нашр саналган “Зеркало XXI” газетасининг ўтган йили молиявий қонунбузарликлар вазидан ёпилганини мамлакатдаги аянчли вазиятга мисол қилиб келтиради.

Кристофер Уокер газетанинг ёпилиши ортида режим қўли борлигига шубҳа қилмайди.

“Ўзбекистон ичида мустақил газета нашр қилиш ва уни тарқатиш мутлақо имконсиздир. Шунинг учун ҳукуматнинг информацион маконни тозалашга киришгани мамлакат ривожига ҳисса қўшмайди ва ўзбеклар бошдан кечириётган репрессия микёсидан дарак беради”, дейди Freedom House вакили.

Ҳисоботда ўтган йили Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада рўй берган “араб баҳори” ҳодисаси бу минтақадаги вазиятга таъсир қилгани айтилади.

Кристофер Уокер ўтган бир йил давомида матбуот эркинлиги бўйича Ливия ва Тунисда “жиддий силжишлар” кузатилгани, Мисрда ҳам маълум ўзгаришлар рўй берганини қайд этди.

“Шу билан бирга, Яқин Шарқ минтақасида матбуот муҳити шундоқ ҳам аянчли бўлган қатор мамлакатларда вазият янада ёмонлашди. Буларга Эрон, Сурия ва Баҳрайнлар қиради”, дея қўшимча қилади Кристофер Уокер.

Собиқ иттифоқ республикаларида ҳам матбуот эркинлигига оид муаммолар долзарб бўлиб қолгани қайд этилади яна ҳисоботда. Арманистон, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон каби давлатлар “матбуот эркин бўлмаган”лар оифасига киритилди.

Украинагина “матбуот қисман эркин” бўлган мамлакатлар сирасидан орин олди.

Матбуот эркинлиги рейтингининг биринчи бешлигидан Финляндия, Норвегия, Швеция, Белгия ва Дания ўрин олган.

Қўшма Штатлар матбуот эркинлиги бўйича 22 ўрин, Буюк Британия эса 31 ўринни эгаллаган.

ОБАМА ЧИКАГОДА КАРИМОВ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ ЭМАС



АҚШ президентининг Чикагода ўтадиган НАТО саммити кун тартибидан яхши хабардор манбаларнинг Eurasianet.org нашрига билдиришича, мазкур йиғин доирасида Барак Обама Марказий Осиё раҳбарларининг бирортаси билан учрашмайди.

Ўзбекистон президенти Ислон Каримовнинг АҚШ президенти Барак Обама билан яккама-якка учрашиш йўлидаги уринишлари бесамар қоладиган кўринади, деб ёзди Eurasianet.org пайшанба куни.

Мазкур Интернет нашрининг Вашингтондаги ўз манбаларига таяниб билдиришича, Барак Обаманинг 20-21 май кунлари АҚШнинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтадиган НАТО саммити доирасидаги кун тартиби жуда тигиз ва унга Марказий Осиё президентлари билан алоҳида учрашувлар киритилмаган.

Кейинги уч йил давомида Афғонистондаги АҚШ ва НАТО кўшинлари учун таъминот моллари етказиб беришда муҳим иттифоқчига айланган Ўзбекистон Шимолий таъминот тармоғидаги белгилувчи халқадир.

Латвия портларига келаётган юklar темир йўл орқали Афғонистонга кириш учун Термиздан ўтиши лозим ва бундай стратегик жойлашув Ўзбекистоннинг Афғонистондаги АҚШ харбийлари кундалик таъминотидаги ролини ошириб юборди.

Айни пайтда, 2014 йилга бориб Афғонистондаги НАТО кўшинларининг ўз ватанига қайтиши ва бу ердан оғир харбий техникани олиб чиқиш йўналишида ҳам транзит худуд ўларок Ўзбекистон аҳамиятининг муҳимлиги таъкидланмоқда.

АҚШ ва НАТО учун стратегик аҳамияти ошган Ўзбекистон раҳбарий харбий иттифоқнинг Чикаго саммитига таклиф этилган ва Вашингтондаги айрим харбий ҳамда бизнес гуруҳларининг саммит доирасида Каримов-Обама учрашувини ташкиллаштиришга уринаётгани хақида норасмий хабарлар мавжуд.

Хозирча Ислон Каримовнинг Чикагога бориш-бормаслиги ҳам расман эълон қилинмаган. Борган тақдирда ҳам Eurasianet.org нашрининг ёзишича, унинг Барак Обама билан алоҳида учрашиш имкони йўқ ҳисоби.

Халқаро ҳуқуқ гуруҳлари Каримов ҳукумати дунёдаги энг репрессив режим дея баҳолаб келаётган бир пайтда, Оқ уйдагилар сайлов йилида Обаманинг Каримов билан учрашишига кўп ҳам хайрихоҳ эмас. Шу боис, Чикагога борган тақдирда Каримов, Обама билан оний учрашув чоғида у билан бирга суратга тушишга умид қилиши мумкин холос, деб ёзди Eurasianet.org нашри.

Нашрга кўра, Ислон Каримовнинг Чикагода президент Обама билан учрашувини ташкиллаштиришга зўр бериб уринаётган лоббичи гуруҳ Америка-Ўзбекистон Савдо палатасидир. Оқ уйга шундай сўров билан мактуб ёзган палата раиси Саголун Ламм Ўзбекистонни иктисодий жиҳатдан тез сурьатлар билан ривожланаётган, сиёсий жиҳатдан эса, минтақавий тинчлик ва хавфсизликка катта ҳисса қўшаётган барқарор ҳамкор сифатида тақдим этган.

Шимолий таъминот тармоғининг кундалик фаолияти билан яхши таниш манбага кўра, агар Обама билан Чикагода яккама-якка учрашишга жуда илҳақ Каримов лоббичиларининг бу сўрови қаноатлантирилмаса, Тошкент таъминот йўлидаги ҳамкорликни тўхтатишидан пўписа қилиши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячиларига кўра, халқаро майдонда инсон ҳақларини энг кўп топтаётган режим сифатида ном киришган Ислон Каримов учун Обама билан алоҳида учрашув унинг дипломатик нуфузини оширишда ниҳоятда муҳимдир.

- Германия канцлери Ангела Меркел каби президент Обама ҳам Каримов билан яккама-якка учрашув фақат Ўзбекистон инсон ҳақларини хурматлаш мезонларига риоя қилиниб, қамоқдаги ҳуқуқ фаоллари, журналист ва муҳолифат аъзолари озодликка чиқарилиб, хориж ва маҳаллий ноҳуқумат ташкилотлари рўйхатга олинганидан сўнггина амалга ошиши мумкинлигини очиқ-ойдин билдириши лозим, дейди Ҳюман Райтс Уотч ташкилотининг Ўзбекистон бўйича таҳлилчиси Стив Свердлов.

НАТОнинг Тинчлик учун ҳамкорлик дастурига қўшилган Ўзбекистон президенти харбий иттифоқнинг Вашингтон ва Бухарестда бўлиб ўтган олий даражали йиғинларида иштирок этган.

ЎВУЗ ДУШМАНЛАР



**“Захар солмоқ касби илоннинг”
Алишер Навоий.**

“Захар солмоқ касби илоннинг”,
Мақсади ниш урмоқ эса чаённинг,
Иккинси ногаҳон ҳамла қилса гар,
Ҳоли душвор бўлар ҳар бир
инсоннинг.

Инсонлар ичидан ҳам чиқиб қолар,
Баъзида шу каби ёвуз душманлар.
Дўстига ниш уриб, заҳар
солмоқнинг,
Қасдида юрарлар “илон”,
“чаён”лар.

Бу ёвуз кучлардан эҳтиёт бўлинг,
Ногаҳон сизни ҳам қақиб олмасин.
Дўстим деб ишониб юрган
одамлар,
Ашаддий душманинг бўлиб
қолмасин!

“Илоннинг боласи-илон”,
дейдилар,
“Чаённинг боласи чаён”,
бўлармиш.

Хатто авлоди ҳам ўша зотларнинг,
Сенга ҳасад қилиб, куйиб
ўлармиш.

Хаётда жуда кўп ғов, тўсиқлар бор,
Улардан душмансиз ўта олмайсан.
Эй дўстим, нияту мақсадинга ҳеч,
Ёвуз душманларсиз ета олмайсан!

Илонлар, чаёнлар бўлади албат,
Улар доим сени қилади сергак.
Лекин сен билмайсан қачон
қақшин,
Ҳамиша ёнингда туришар-тиргак.

Қодирий, дўстларга ишонма
зинхор,
Барчаси пинҳоний қилар ўз ишин.
Сеңи пойлаб юриб улар, муқарраб,
Ё захрин солади, ё тикар нишин.

**Абдуқодир Нурмухаммад ўғли
Саттаров**

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: боши ўтган сонда)

Пўлатов “Бирлик” да ёзувчиларнинг соясида юрарди ва кўп ўтмай соядан чиқиш учун Ленинча метод – иғво ва шантаж ёрдамида уларнинг ўзларига қарши интригаларни бошлаб юборди. Аслида, “Бирлик” ка асос солган ёзувчилар ва кейинчалик уларга келиб қўшилган коммунистлар феълу, табиатлари бўйича бошқа бошқа кишилар эди. Ўзбек махсус хизматлари ёзувчилар билан коммунистик мафия орасидаги бу табиий тафовутдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Лекин Абдурахим Пўлатовни ҳеч бир гувоҳ ва асоссиз “у КГБ нинг агенти” десак адолатдан бўлмас. Назаримда у табиатидаги интриганлик ва провакаторлик боис КГБ нинг “Бирлик”ни бўлиш ва парчалаб тугатиш мақсадига мос тушгандир. Негаки, у “Бирлик” раиси бўлган захотиёк бу миссияни шараф билан адо этишга киришган эди. . .

Пўлатов “Коммунистик ҳокимият билан келишиш борасида” ким у билан яқдил бўлмаса ҳаммани айблаб, мағзава тўка бошлади. Уларни ҳатто “Халқ ҳаракати душманлари” дейишгача бориб етди. Ўша пайтларда ашаддий коммунистлар бир юмалаб ашаддий антикоммунистларга айланиб қолишар ва коммунистларга қарши толмас курашчиларга айланишарди. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто бир намойишда Пўлатовнинг навбатдаги провакациясидан руҳланган оломон Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бориб ўт кўйишига оз қолди. . .

Мухаммад Солиҳ коммунистларни қириб йўқ қилиб ташлашга мутлақо қарши эди. У бу ҳақдаги нутқида шундай деган эди: Коммунистлар осмондан тушган бошқа ирк эмас. Улар орамиздан чиққан сиз билан бизнинг жигарларимиз, ака опаларимиздир. Биз улар билан бирга яшаб, мустақиллик насимларини ҳам бирга баҳам кўришимиз лозим!”

КГБ эса аллақачон Москвадан ажралиш иштиёқида бўлган ижодий зиёлиларга қарши кенг фронт бўйлаб кураш олиб бораётган эди. Бу яширин кураш “Ҳақиқатгўй Мухаммаднинг икки кифаси” номли мақола (20 декабрь, 1988-йил, “Правда Востока” газетаси. Муаллифлар: Ю.Кружилин, И.Хисомов) эълон қилингандан сўнг очик ойдин расмий тус олди. Унда Мухаммад Солиҳни пахта монокультураси ва Москва мустабидлиги ҳақида Американинг “Нью-Йорк Таймс” газетасига берган интервьюси учун нақ Ваган хоини даражасига чиқариб кўйишган эди. . .

”Нью-Йорк Таймс” даги интервью “Нью-Йорк Таймс” газетаси ёзади: “Унча катта бўлмаган бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари гуруҳи, иктисодчилар ва расмий доиралар Ўзбекистон пахта

плантациялари Москва қарамлиги остида эканлиги масаласини кўтариб чиқа бошладилар. Шоир ва Ёзувчилар уюшмаси котиби Мухаммад Солиҳнинг фикрича, барча фожеалар Сталиннинг мамлакатни пахта мустақиллиги билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмасидан сўнг бошланган. СССРнинг бу “мустақиллиги” Ўзбекистоннинг қуллиги эвазига пайдо бўлди. . .” (The New York Times, 06.11.1988, Bill Keller)

1998-йилда бу гапларни айтиш жуда хавфли эди. Агар шу гапларни айтган Мухаммад Солиҳ мабодо КПСС аъзоси бўлганида эди, у ўша захотиёк партия сафидан ҳайдалган бўларди. Лекин, афеуски, Мухаммад Солиҳ КПССга аъзо эмас эди ва уни Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашга қарор қилишди. Навбатдан ташқари Пленум чақиритди, лекин йиғилиш уни котиблик вазифасига муносиб деб топди. Энди КГБ тарғиботдан амалий ишга ўтиша бошлади. Чунки унга ҳамкор ва ҳамфикр бўлган норасмий ташкилот ва унинг “қайта қуриш” шарофатидан маст бўлиб юрган йўлбошчиси Пўлатов хизматга доим тайёр эди. КГБ “Пўлатов гуруҳи”нинг (Кейин маълум бўлишича уларнинг акарияти КГБнинг штатсиз ходимлари экан) жирканч ниятларини амалга оширишда актив ёрдам бера бошлади. Охир оқибатда КГБ шу йўл билан тобора оммалашиб бораётган халқ ҳаракатини тамомила парчалаб, йўқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Маҳаллий турк-месхетинларига қарши уюштирилган иғвогарлик ҳаракатлари КГБнинг мафия билан уюштирган дастлабки ҳамкорлиги самараси эди. Ўшанда ҳукумат бунга дастлаб “Бирлик”ни айблаб чиқди. Лекин воқеа жойига етиб келган Мухаммад Солиҳ ҳукуматнинг бу айблови асоссиз ва бўҳтон эканини ўша кунийёқ “Литературная Россия”да ёзиб чиқди. Репрессияга бу гал йўл очилмади. Лекин КГБ бу билан ҳам қаноат қилмай, энди фожеа содир бўлиши лозим маконни яқинроқдан – Ғазалкентдан топди. Бу ерда ўша “яроқсиз ва ўтмас қурол” – Пўлатовдан фойдаланилди. У ўша жойга бориб, халқни очик ойдин исёнга, кўзғолонга чорлади. Шундан сўнг ҳукумат маъмурлари митингларни тақиқлаб, Тошкент вилоятидаги фаол “Бирлик”чиларни ҳибсга ола бошладилар. Лекин Пўлатовга тегинишмади. (Мухолифатнинг бошқа лидерларидан фарқли ўларок Пўлатов бирор маротаба ҳам ҳукумат томонидан ҳибсга олинмаган. . .)

Бу Горбачёвнинг “қайта қуриш” йилларидан бўён амалга оширилган биринчи репрессия эди. Оломоннинг кайфиятини яхши ҳис қила билган

КГБ унинг фидойилигидан ҳам фидойи ҳамкасбларига қарши яхши фойдалана билди. . .

Пўлатовнинг “Радиализм”и унинг оломонга ёқиш истагидан келиб чиқади. Буни нафақат “Бирлик” раҳбарлари, балки хорижлик кузатувчилар ҳам эътироф этишади: “Пўлатовнинг машхурлиги унинг зиддиятли характери ва халққа ёқишга бўлган кучли хоҳиш ва истагидан иборат худбинлик нагижасидир”, деб ёзади Билл Фиерман. (Central Asian Survey, Vol. 10. No 3. Bill Fierman p. 57)

Масалан, Мухаммад Солиҳнинг қутилмаганда “миллатчи” бўлиб қолган коммунистларни тартиб ва инсофга чорловчи чақирикларини КГБ оммага “халқ ҳаракатиға хоинлик” деб тағиб эта бошлади. Бу жирканч ишни ҳам “Пўлатовчилар” оғзи билан амалга оширди. . .

Бу миллий лидерни обрўсизлантириш йўлидаги янги уриниш эди. Лекин бу гал уни икки йил олдингидек халққа хоинликда эмас, балки энди ҳукумат билан тил бириктиришда айблашди. Мухаммад Солиҳ шундай деган эди: “Лидер оломон ортидан эмас, аксинча, оломон лидер ортидан юриши керак. Шу боис “Бирлик” раҳбарларини оломон истақларидан қатъий назар, қон тўкилиши олдини олишга чақираман”.

КГБ эса унинг бу сўзларини ёзувчилар орасида ўзича шарҳларди: “Кўряписизми, йўлбошчиларингиз энди митинг ва намойишга қарши. У Каримовга сотилиб, уйли жойли, машинали бўлиб олди. Унга энди барҳам бериш керак!”

Кетиш

Машаққатли сиёсий курашнинг турли кирдикорларидан безган Мухаммад Солиҳ парда орти ўйинларида укувсиз бўлгани боис маълум муддат четга чиқишга қарор қилди.

Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Мен Миллий Ҳаракат Президиумининг 17 аъзосидан бири эдим. Биринчи таъсис Қурултойи ва унда “Бирлик” раиси сайлангандан сўнг унинг фаолиятида деярли иштирок этмаганман. Вакт бўлмаган. Ёзувчилар уюшмаси ишлари билан тамомила банд эдим. Котиб бўлганим боис ҳар куни публицистика ёзиш, одамлар – студент ва олимлар, ўқитувчи ва шифокорлар билан учрашувларга борар, улар билан мулоқотлар олиб борардим. . .

Ўша йилларда мен шеър ёзишни тамомила йиғиштирдим. Одамлар йиллар давомида ерга қадалган нигоҳларини ниҳоят кўркмай баланд баландларга, кўм кўк осмон қаърига қадашлари менга шеърятдан-да буюкрок ажиб бир руҳ, ушалиши муқаррар ажиб орзу бахш этган эди.

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: боши олдинги бетда)

Аслида айнан шу муқаддас орзуну йўқотмаслик учун ҳам мен “Бирлик”дан кетишга аҳд қилган бўлсам не ажаб! Ҳар қалай шундай бўлса керак. Ҳар қалай деганимнинг боиси шуки, бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлган ва мен бу сабаблар ҳақида ўтган йилларда ҳам айтганман. Бугун бу гап сўзлар айтганига етти йил бўларкан, “Бирлик”дан кетишимнинг сабаблари сиёсий эди деган жиддий важларим энди ўзимни каноатлантирмаётгандек гўё. Одам озод бўлишни истаб қолади гоҳи ва кетишга қарор қилади. Тамом вассалом! Мен ўзимнинг ўша пайтлардаги ҳолатимни “Бирлик”даги дўстларим айнан шундай контекстда кўришлари ва тушунишларини истардим...

Аслида эса бунинг сабаблари қуйидагича эди: 1989 йилнинг август ва 9 сентябрь ойлари менинг кабинетимга “Бирлик” Президиуми аъзоларимдан бир нечтаси келиб ҳаракат раиси Абдурахим Пўлатовдан шикоят қила бошлади. Мен уларга Пўлатовнинг ўзини ҳам чақиришларини, бировнинг орқасидан эмас, балки олдида ҳамма гапни айтишлари лозимлигини айтдим. Лекин улар бу масалани у билан муҳокама қилишни ишташмади. Республикадаги жуда кўп нуфузли кишилар айнан Пўлатовнинг қўпол муомиласи учун ҳаракатдан кетаётганларини айтишди... Аслида Пўлатовнинг Ҳаракат раислигига номзодини мен кўрсатган ва унинг сайланиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилган эдим. Буни “Бирлик”даги ёзувчилар, унинг таъсисчилари яхши билишади. Шу боис ҳам мен шикоят қилиб келганлар олдида Пўлатовни ҳимоя қилиш баробарида қайсидир маънода ўзимни ҳам ҳимоя қилаётган эдим... Раисни ёқтирмаганлар сафи кундан кун ортиб борар эди. Бир кун қутилмаганда Ҳаракат Президиумининг бирварақайига тўрт аъзоси агар у вазифасидан олинмаса, истеъфога чиқишларини маълум қилишди. Мен Пўлатов билан суҳбатлашиб, вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Мен ундан одамлар тинчлангунга қадар маълум муддат четга чиқишини илтимос қилдим. У мени тушунгандек ва рози бўлгандек бўлди. Пўлатовнинг ёзувчилар уюшмасидаги кабинетимдан чикканига ярим соат бўлар бўлмас ҳузуримга сафдошларим янги хабар билан келишди: Каримов Муҳаммад Солиҳ билан келишиб, Пўлатовни олиб ташлашга қўндирибди. Мен бундай иғво ва шантаждан лол қотиб қолдим... “Муҳаммад Солиҳ “Бирлик” раҳбарлигини забт этмоқчи” деган навбатдаги иғводан сўнг мен ҳеч

қачон “Бирлик” раислигини даъво қилмайман деган тантанали қасамёд билан ариза ёздим ва ўз фаолиятимни амалий иш билан давом эттириш ниятида Ҳаракатдан чиқдим... (“Muhammad Salih in Turkish and Western Press” Ankara, “Berikan”-2001 pp. 388-396)

Бу ҳаракатларнинг барчаси КГБнинг пухта ишлаб чиқилган режаси асосида муҳолифатни парчалаб ташлаш ва янчиб йўқ қилиш умидида қилинган эди. “Бирлик”даги КГБ чилар гуруҳининг ҳатти ҳаракатлари оқибатида кўп ўтмай, яъни 1989 йилнинг охирига келиб, унинг сафида “Бирлик” ка асос солган кишилардан деярли ҳеч ким қолмаган эди. Муҳаммад Солиҳдан сўнг барча ветеранлар секин аста “Бирлик” Ҳалқ Ҳаракатини тарк эта бошладилар...

“Эрк” пайдо бўлиши

ЭРК партияси ўзининг биринчи Курултойини 1990 йилнинг 30 апрелида чақирган эди. Ҳукумат бу янги партия тимсолида муҳолифатдаги ўз иттифоқчисини кўришни орзу қилган эди. Лекин Муҳаммад Солиҳнинг Курултойдаги маърузаси ҳукуматнинг бу орзуларини чиппакака чиқарди. Бу мутлақо янги Дастурдаги янги партия экани ва кўп эмас, оз эмас – мамлакат мустақиллиги йўлида йўлбошчи бўлишга жазм этгани маълум бўлди! Муҳаммад Солиҳ маърузасини ўқиб тугатаркан маҳаллий мухбирлар ҳам, Москвадан келган журналистлар ҳам баб-бараварига, худди буйрук берилгандек Курултойни тарк этишди. Эргайиси куни эса Ўзбекистонда ташкил топган янги сиёсий партия ҳақида ҳеч қаерда ҳеч қанақанги хабар чоп этилмади... Мустақиллик Декларацияси Америкалик тадқиқотчилар Надия Дьюк ва Адриан Каратницкий “The hidden nation” номли китобда 1989 йилги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги вазиятни шундай таърифлашади: “Ёзувчилар уюшмасининг секретари Муҳаммад Солиҳ ўзбек халқининг хоҳиш иродасидан келиб чиқиб, унинг кўнглида чўкиб ётган дард-у, ташвишларини ҳукуматнинг истагига қарама қарши бўлса-да, ошкор ва ифода этувчи озодлик куйчиси эди: “Мен юртимизда юзага келган экологик фожеа билан пахта яккахокимлиги ўртасида узвий ва ажралмас бирлик ва боғлиқлик борлигини бугун ошкор айтмоғим лозим. Биз бу қуллик ва мутълик оқибатида нафақат ерларимиз ва бойлигимиздан, балки халқимизнинг соғлигидан ҳам жудо бўлмоқдамиз” – деган эди у. Мамлакатнинг янги сайланган биринчи секретари Исломо Каримов ҳақида эса илк мартаба шундай

фикр билдирган эди: “Каримов анчайин демократик қарашларни ифода этмоқда. Кўрамиз. Унинг бу ҳагги-ҳаракатлари нечоғлик самимий экан. Ҳозирча яхши кунлардан умид қиламиз, холос.

Зотан, бизнинг умид қилишдан бошқа иложимиз ҳам йўқ...” (“The hidden nation”, 1990, New York, William Morris and Company INC)

1989 йил Муҳаммад Солиҳ учун халқ ичига кириш, унинг дарду ташвишларига шерик бўлиш йили бўлди десак муболаға бўлмас. Ажаб, табиатан камгап, одамлар эътиборидан ҳаммиша ўзини четда тутиб туришга ҳаракат қилувчи йигит, қутилмаганда, ўзида одамлар билан мулоқотга интилиш фазилатини кашф этди. У шеърларида айтаётган нарсаларни одамлар тушуна бошлаганини кўриш ва ҳис қилиш гидроки унга ажиб бир завқ бахш эта бошлаганди. Масалан, озодлик ҳақида...

Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг янги раҳбари Исломо Каримов ҳам оммавий-сиёсий жараёнларга тезлик билан мослаша борди. Хусусан, у ўзининг собиқ ўриндошлари Иномжон Усмонхўжаев ва Рафиқжон Нишонновлар каби сиёсий популизм ўйинларига ҳам жуда тез суръатлар билан эриша олди. У раҳбарликка сайланган заҳотиёқ, зудлик билан республикадаги барча халққа таниқли бўлган шоир ва ёзувчилар, олиму уламоларни ўз ҳузурига қорлаб, ўзбек халқининг бахту саодати учун улар билан ўла ўлгунча ҳамкорлик қилишга “тантанали” қасамёд қилди...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Исломо Каримовни биринчи бор учратган одам у ҳақда илиқ таассуротга эга бўлади. Бу самимий ва дилкаш кишига хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш чоғи кимдир ҳаммиша халақит қилаёпти деган мулоҳазага боради киши. Соддадил ва ишонувчан одамларни чалқитадиган айнан ана шу алдамчи фазилатидан у ҳаммиша максимал даражада фойдаланиб келди...

Каримов, ўзининг ибораси билан айтсак, ҳеч қачон “ўзига хос ва ўзига мос” янги дастур ва лойиҳалар яратиш ва ё ўйлаб топишга вақт сарфламаган. У бу гоё ва кашфиётларни ўз рақибларидан шундоққина олиб, уялмай-нетмай, ўз номидан бемалол ишлатаверган. Унга ҳеч ким эътироз билдирилмасди. Чунки, эътироз билдирувчи барча воситалар унинг ўз қўлида эди...

“Wall Street Journal” номли матбуот нашри мухбирлари 1998 йилнинг 31 август кунги “Central Asia’s emerging fase’s” номли мақолаларида шундай ёзган эдилар: “Солиҳ жаноблари билан Исломо Каримов жаноби олийлари эски танишлардир.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Аёллар танасида йиғилган парабенлар астроген каби ҳаракатланиб, кўпайиш органларининг бузилишлариغا, кўкрак ракига, эндрометриозга, кисталарга, бепуштлик ва туғишдаги камчиликларга сабаб бўлади. Эркалар танасида йиғилган парабенлар маний(дўли, сперма) нинг зарарланишига ва ўлишига, простата ракига, эндрометриозга замин тайёрлайди. Бу моддалар шунингдек, терининг қизариши, шишиши, қичиши ва оғришига сабаб бўлади. Косметика ва баданни парваришlash моддаларида кўп қўлланилган метионин, лард, керактин, желатин, глицерин (глицерол), гидролиз протеин ва шунга ўхшаш моддалар тирноқ, кил, қон, ўлик уй хайвонлари ва чўчка маҳсулотларидан тайёрланишининг эхтимоллиги катта. Совун, шампун, крем, парфюм, дезодорант, тиш пастаси, кир ювиш воситалари, тайёр ейиш ва ичиш маҳсулотларида бу турдаги ароматлар мавжудиги сабабли уларни қўллаганимизда таҳоратимиз йўқолиши-йўқолмаслиги, еб-ичган нарсаларимизнинг ҳалол-ҳаромлиги аниқ эмас.

Касалликларнинг бошланиши ва ривожланиши

Статистик маълумотларга қўра, ўлимларнинг биринчи сабаби ўлкага қараб ўзгаради. Масалан, Туркияда ўлимларнинг биринчи сабаби - автофалокатлар, ривожланган мамлакатларда - саратон, ривожланмаган давлатларда - очликдир. Мия ва юрак қон томирларидаги бузилишлар билан боғлиқ ўлимлар эса дунёда иккинчи ўринда туради. Бизнингча, кейинги йилларда пайдо бўлган, туғма бўлмаган касалликлар қонунга мувофиқ - бир хил тарзда ривожланмоқда: Потўғри яшаш тарзи, янглиш озикланиш ва захарли моддаларни (кўшимча озик-овқатлар, тиббий дорилар, баданни парваришlash моддалари ва кир ювиш воситаларини) ишлатиш натижасида ҳазмининг бузилиши ва қолдик моддаларнинг томир ва тўқималарда бирикиши; Бунинг оқибатида жигар тўқималарининг токсик моддалардан таъсирланиши сабабли юзага келган сурункали токсик гепатит; Бунинг натижасида томирларнинг тикилиб қолиши ва қон айланишида юзага келган бузилишлар; Бунинг натижасида аъзо тўқималарининг бузилиши ва гормонал тизимда юзага келган мувозанатсизлик; Бунинг натижасида аъзо функцияларининг бузилиши ва иммунитет тизимида ҳосил бўлган мувозанатсизлик оқибатида юзага

келган касалликлар. Бу вазиятда, кўриб турганингиздек, томир касалликлари - биринчи ўринда, ҳалокатлар - иккинчи ўринда турибди. Саратоннинг сабаби ҳам барча касалликларнинг сабабига ўхшагани учун у ҳам биринчи ўринга киради. Ривожланмаган давлатлардаги “очликдан ўлим” эса шубҳалидир. У давлатларда халқ очликдан эмас, “инсонпарварлик ёрдами” сифатида жўнатилган, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ва муддати ўтиб кетган тайёр маҳсулотларни еганлари сабабли, эмлаш ва тиббий дориларга кўникмаган ҳолда, уларни истеъмол қилганларидан касалланиб, ўлмоқда. Аслида, бу ўлимларни “фалокат ўлимлари” синфига киритиш керак. (“Очлик билан даволаш” ва “ГМО” бўлимларига қараб) Иммунитет тизими танани токсин, бегона моддалар, кимёвий аралашмалар, дорилар каби жонсиз моддалардан, вирус ва бактериялар каби жонли антигенлардан муҳофиза қилади, уларни танийди ва йўқ қилади.

Иммунитет тизимининг зарарли моддалар (антигенлар) танага киришининг олдини олувчи ташки ва ички тўсиқлари бор. Ташки тўсиқлар тери, оғиз-бурун сувоқликлари, ошқозон кислотаси, йўтал, кўзёши ферментлари ва тер. Соғлом танада зарарли моддалар ташки тўсиқлар томонидан тутилиб, ичкарига қўйилмайди. Антигенлар ташки тўсиқларни ўтишни удаласа, иммунитет тизимининг ички тўсиқлари томонидан хужумга учраб, йўқ қилинади. Бола 6-12 ойликдан эътиборан турли антигенларга дуч келганда, унинг иммунитет тизими ривожланади. Бу иммунитетга “ўлжа иммунитет” дейилади. “Ўлжа иммунитет” лимфоцит номли оқ антикор ишлаб чиқаради. Антикорлар зарарли моддаларга (антигенларга) ёпишади ва антигенларни осонликча парчаланадиган ҳолга келтиради. Қондаги лейкоцитлар эса парчаланшига тайёр ҳолга келган антигенларни кетказиб, йўқ қилади. Баъзи лимфоцитлар эса зарарли моддаларга зарба беради. Лимфоцитлар ҳар қандай касалликка қарши мудофа йўллари йиллар давомида маълумот сифатида сақлайди. Шу тарзда иммунитет тизими айни касаллик билан ёки антиген билан такрор учрашганда тез суръатда ва самарали жавоб беради. Иммунитет тизимининг антигенларга қарши таъсири кучли бўлса, ҳар қандай касалликка қарши мудофаа ҳозир бўлади. Қарши таъсир етарли даражада бўлмаса, аллергия ва анафилаксия пайдо бўлади, турли касалликлар келиб чиқади.

Касалликларнинг бошланиши Ҳавога аралашган тугунлар, захарли газлар, чанлар, кимёвий моддалар ва тозалашда ишлагиладиган кимёвий моддалар нафас тизими орқали қонга ўтади ва тўқималардаги хужайраларни зарарлаб бошлайди. Қишлоқ хўжалигида қўлланилган моддаларнинг таркибидаги кимёвий моддалар тупроқ, ер ости сувларига аралашади ва ўсимликлар воситасида хайвонларга ўтади. Кейин мева, сабзавот ва гўшт билан дастурхонимизга келади, танамиздаги хужайраларга кимёвий уруш эълон қилади. Яхши чайналмаган, ошқозон ва ичакларда чириб, ачиган овқатлардан ҳосил бўлган қолдиклар қисман ичаклардаги табиий микроблар томонидан нейтраллаштирилади, қисман қонга аралашади ва қон билан барча тўқималарга етиб боради. Тўқималардаги қолдиклар кўпайган сари, қолдиклар худди ахлат уюмидаги ахлат ёнганидек ёнишга, газ ишлаб чиқаришга бошлайди. Ҳосил бўлган бу ёнувчан модда ва газлар тўқималарда оғрик, лўққиллаш, яллиғланиш ва мутация пайдо бўлишига сабаб бўлади. Фақат бу ҳолатга қарши иммунитет тизими курашади: хароратни юксалтиради, харорат қонни иситади, нафасни, юрак уришларини ва қон айланишини тезлаштиради. Исиган қонда тўқималарни тозаловчи микроблар кўпаяди. Махсус вазифали микроблар ва исиган қон захарли модда ва қолдикларни эритади. Инсон вужуди бодомсимон безларнинг яллиғланиши, балғамли йўтал, бурун оқиши, терлаш, аллергия ва хуснбузарлар чиқиши ёрдамида эриган зарарли моддалардан ва қолдиклардан қутулишга ҳаракат қилади. Бундай реакциялар соғлом иммунитет тизимининг нормал ишлаши ҳисобланади. Шундай экан, хароратни тушириш, йўталнинг олдини олиш, бурун оқишини тўхтатишга уриниш, антибиотик истеъмол қилиш, бодомсимон безларни олдириш - билимсизлик ва вужудга қарши зулмдир.. Ҳолбуки, инсон ейиш-ичишини тартибга солса, кўп ва зарарли таомлардан воз кечса, унинг на харорати кўтарилмайди, на бодомсимон безлар шишади ва на аллергияси бўлади. Ошқозонда ҳазм тугагандан кейин озик моддалар химус шаклида ичакларга тушади. У ерда биринчи ҳазм тугайди, озуқа сингиб, жигарга иккинчи ҳазмга юборилади. Ичакларда табиий равишда яшаётган микроблар ошқозонда ҳазм бўлмай қолган таом қолдикларини парчалайди ва тананинг фойдасига ишлаб, витамин, қанд, ҳатто протеин ишлаб чиқаради.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Махсус вазифали микроблар токсик моддаларни нейтраллаштириб, тез суръатда ташқарига чиқаришга уринади. Инсон антибиотик (анти - қарши, био - ҳаёт, яъни ҳаётга қарши) дори истеъмол қилганида, вужуддаги микроблар билан бирга ичакларда яшаётган табиий махсус вазифали микробларни ҳам ўлдиради. Фойдали микроблардан бўшаган жойни зарарли микроблар тўлдирди. Табиий бўлмаган, яхши чайналмаган, аралаш, бир-бирига зид ёки кўп ейилган таомлар ошқозонда чириб ичакларга тушади. Ичаклардаги ток хужайралар ва бегона микроблар булардан турли заҳарлар ишлаб чиқаради. Бу заҳарлар токсинларни қонга аралаштирмасдан ташқари чиқариб, махсус вазифали ичак тукчаларини чирилади. Тукчаларнинг чириши туфайли тақирлашган ичакларда яралар ҳосил бўлади ва ичаклар мудофаа вазифасини бажара олмай, фойдали моддалар билан бирга зарарли моддаларни ҳам қонга аралаштиради. Бу заҳарларни тўплаган қон тўғридан-тўғри жигарга ўтади. Жигар бу қоннинг бир қисмини буйракларга, бир қисмини тозалаб юракка юборади. Юрак келган қонни бутун аъзо хужайраларига тақсимлайди. Шу билан бирга, қондаги токсин ва колдикларнинг миқдори давомли равишда кўп бўлса, жигар уларни тозалай олмай қийналади. Бу ҳолатда жигар уларни ўзида тўплаб, касалланади; ёғланади, катгайди, кистлар ҳосил қила бошлайди ва қонни етарлича тозалай олмайдиган ҳолга келади. Шундай қилиб, қонда чикиндилар кўпаяди, холестерол юксалади. Иммуниет тизими оғирлашган қоннинг айланишини тезлаштириш ва чикиндиларни чиқариб юбориш учун томирларни торайтиришга ва қон босимини кўтаришга мажбур бўлади. Бемор босим туширувчи дори қабул қилганда эса, томирлар мажбуран кенгайиб, қон айланиши секинлашади, ифлос ва оғир қон томирларда айланиб, чикиндиларни томир деворларига ёпиштиради, тўқималарни кирлатиб, қил томирларига тикилади. Қон торайган ва тикилиб қолган томирлардан аъзолар тўқималарига талаб даражасида етиб бормагани сабабли, уларга етарлича озуқа етказиб бера олмайди. Хужайраларнинг метаболик колдиклари торайган ва тикилган томирлардан ва улар жойлашган аъзодан узоқлаша олмайди. Натижада, хужайра ва аъзолар оч қолади, фақат колдиклар билан овора бўлиб, ўзининг асл вазифаларини қила олмайдиган ҳолга тушади. Ҳар бир хужайра ва ҳар бир аъзо маълум титрашим (вибрация) билан ишлайди (Аллоҳни зикр қилади). Бирок колдикларнинг бирикиши билан



ўзгарган хужайра ва аъзоларнинг титрашим (вибрация) частоталари бузилади (Аллоҳни зикр қилишини тўхтатади). Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Аллоҳнинг зикрини тўхтатмаган ҳайвонни овчи овлай олмайди”, деганлар. Соғлом ҳайвонни на йирткич, на овчи овлай олмайди. (Илмий тадқиқотлар овланган ҳайвонларнинг барчасини касал ҳайвонлар эканини кўрсатган). Шундай экан, Аллоҳ зикрини тўхтатмаган аъзо ҳам касалланмайди. Асл касаллик битта - нотўғри яшаш тарзи Касаллик дейилган ҳодиса - нотўғри яшаш тарзига қарши танамизнинг кўрсатган ҳимоя реакциясидир. Бу реакция юқорида айтганимиздек, ошқозон ва ичаклар фаолиятининг (ҳазмининг) бузилиши, бодомсимон безларнинг шишиши (ангина) ва жигарда колдикларнинг бириктириши билан яқунланади. Жигар ўз вазифасини бажара олмас ҳолга келганида, касалнинг табиатига кўра, буйрак, тери, ўпка, бачадон, тухумдон, юрак ва томир касалликлари каби турли касалликлар вужудга келади. Бу касалликлар билан бир-бир, алоҳида-алоҳида шуғулланиш, бекор, ҳатто зарарига вақт ўтказишдир. Чунки бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳеч бир касаллик йўқ, уни алоҳида даволаш ҳаттодир. Масалан, бронхит ва пневмония ҳодисасини кўриб чиксак: Инсон узоқ муддат сақланган сут ва сут қуқуни кўшилган тайёр таомларни, рафиналанган, қўшимчали таомлар, тайёр ичимликларни, мижозга тўғри келмайдиган аралаш таомларни кўп еса, бу таомлар қоннинг РН мувозанатини бузади ва танада катта миқдорда турли токсик моддалар ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Ҳавога аралашган тутунлар, заҳарли газлар, чанглар, кир ювиш воситасининг ҳиди нафас тизимини бузиб қонга аралашади. Қўмир, оҳак, гипс каби моддаларнинг чанглари ўпкаларни тўлдирди. Бундай зарарга қарши иммуниет тизими кишининг иштаҳасини бўғади, ҳароратини кўтарди. Кўтарилган ҳарорат қонни иситади, исиган қон ўпкаларда тўпланган эрийдиган колдикларни

эрита бошлайди ва балғамни кўпайтиради. Қоннинг исигиши ва балғамнинг кўпайиши билан бирга ўпкани химояловчи микроблар кўпаяди. Уларнинг ферментлари исиган қон ёрдамида бронх деворларидан мукус каби органик ва оҳак каби минерал моддаларни қазиб, ола бошлайди. Шу билан ҳарорат тушади, титрок пайдо бўлади. Бу ҳаста киши вужудининг титраши кийимларни қоқиб, чангдан тозалашига ўхшайди. Бронхлардаги тикилишлардан тушган парчалар титраш ҳаракати билан балғамга аралашади ва йўтал билан ўпкани чиқади. Шу билан бирга исиган қон ёрдамида эритилган колдиклар терига юборилиб, тер билан ташқарига чиқади. Ҳар титрашда тери устида бириккан токсин миқдори қат-қат ортади ва теригади тешиклари ёпади. Иккинчи марта терига келган токсинлар ўз исикликлари билан ташқарига чиқа олмайди. Бадан кейинги токсинларни ёпилган тешиклардан ўтказиш учун исикликни янада орттиришга мажбур бўлади. Демак, касалнинг исиклигини тушириш учун қилинадиган энг тўғри даво исиклик туширувчи дори истеъмол қилиш эмас, терини ювиш ёки артишдир. Бадан ювилгандан кейин тоза тери ҳароратни кўтаришга эҳтиёж сезмасдан янги токсик моддаларни чиқаришга тайёр бўлади. Тери - терлаш ва тошималар билан; ўпкалар - нафас ва йўтал билан; мия - аксириш, бурун қонаши, манқалик бурун оқиши, бош ва қулоқ орқаси яралари, қулоқ кири ва яллиғланиши билан; буйраклар - сийдик билан; ошқозон ва сафро косаси - қусиш билан; жигар ва ичаклар - ич кетиши (диарея) билан танадаги заҳарли моддаларни ташқарига чиқаради. Соч тўкилиши ва тирноқларнинг ўсиб кетиши ҳам токсинларни танадан узоқлаштириш йўлидир. Бу демак, Аллоҳ барча ҳатоларимизни сўнгсиз раҳматига олиб, ҳар қадамида бир қутилиш йўлини кўрсатиб қўйибди. Аммо кўпчилик Аллоҳнинг лутф қилган раҳматига ҳар одимда исён ва хиёнат билан жавоб беради.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош